

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

*УДК:*

**СУННАТОВ АБДУРАХМОН АБДУРАШИД ЎҒЛИ**  
**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиқлар воситасида**  
**қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари**

**5A230801 – «Солиқлар ва солиққа тортиш»**

**Магистр**  
**академик даражасини олиш учун ёзилган**  
**диссертация**

**Илмий раҳбар:**  
**И.ф.н. Муталова Д.М.**

**Тошкент – 2016**

## М У Н Д А Р И Ж А

Бетлар

	<b>Кириш</b>	3
<b>I боб.</b>	<b>Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ривожлантиришдаги роли</b>	9
1.1.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти ва афзалликлари	9
1.2.	Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг туган ўрни	17
1.3.	Оилавий бизнес – тадбиркорликнинг самарали шаклидир	27
	<b>I боб бўйича хулоса</b>	31
<b>II боб.</b>	<b>Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиққа тортишнинг таҳлили</b>	37
2.1.	Кичик бизнес субъектларини солиққа тортишнинг амалдаги ҳолатининг таҳлили	37
2.2.	Хусусий тадбиркорликни солиққа тортиш механизми	46
2.3.	Ягона солиқ тўловининг кам миқдорини ҳисоблаш услубиётининг таҳлили	56
	<b>II боб бўйича хулоса</b>	64
<b>III боб.</b>	<b>Иқтисодий модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиқлар воситасида қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмини такомиллаштириш</b>	65
3.1.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиққа тортишдаги муаммолар	65
3.2.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиқлар воситасида рағбатлантиришни такомиллаштириш йўллари	71
	<b>III боб бўйича хулоса</b>	75
	<b>Хулоса</b>	76
	<b>Адабиётлар рўйхати</b>	79

## КИРИШ

**Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Иқтисодий ва модернизациялаш шароитида энг муҳим вазифалардан бири мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида энг самарали вариантларни илмий асослаб танлаб олиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этишдан иборат.

Шундан келиб чиқиб, солиқ сиёсатининг асосий вазифаси-бир тарафдан давлат учун, иккинчи тарафдан аҳоли учун энг мақбул бўлган вариантларни ишлаб чиқиш ва солиқ амалиётига жорий қилишдан иборат. 2016 йил мамлакатимизнинг юксалишида навбатдаги муҳим йил бўлиши кутилмоқда. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзининг Вазирлар Маҳкамасининг “Жорий йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоиз да иборат бўлишини таъминлаш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,2 фоиз, қишлоқ хўжалигида 6,1 фоизга ошириш, чакана савдо айланмасини 14 фоиз, хизматлар кўрсатиш ҳажмини 17,4 фоизга кўпайтириш вазифаси қўйилмоқда. Инфляция даражасини 5,5-6,5 фоиз доирасида сақлаб қолиш, аҳолининг реал даромадларини 9,5 фоизга, ўртача иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, солиқ имтиёзларини инобатга олган ҳолда, 15 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда<sup>1</sup>, - деб таъкидлаб ўтган эди.

Маълумки, иқтисодий ва барқарор ривожлантиришга ва аҳоли фаровонлигини оширишга имкон яратадиган муҳим шартлардан бири бўлиб, пул маблағларини давлат бюджетининг даромадлар қисмига режалаштирилган миқдорларда ва ўз вақтида тўлиқ ҳамда кам харажатлар билан етказиб бериш, шунингдек бюджет маблағларини самарали тақсимлаш вазифаларини амалга ошириш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси шароитида бюджет даромадларини шакллантиришда мамлакатимиз иқтисодийнинг етакчи соҳасига

---

Каримов И. А. Бош мақсадимиз-мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийимизда таркибий ўзгаришларни изчилдавом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Халқ сузи газетаси 2016 йил 18-январ сони.

айланган ва ялпи ички маҳсулотнинг 56,7%ни бераётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли беқиёсдир.

Ходимлар сонининг чегараланганлигини эътиборга олиб, кичик бизнес субъектлари учун ихчамлаштирилган ягона солиқ тўлови махсус ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айна шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди”,-деб таъкидлаган эдилар..

Ушбу диссертация иши кичик бизнес ва юридик шахсни ташкил этмасдан фаолият юритувчи якка тадбиркорлар фаолиятини ривожлантиришда солиқлар ролини асослаб беришга бағишланган.

Шунинг учун иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиқлар воситасида рағбатлантириш масалаларини такомиллаштиришга бағишланган диссертация ишининг мавзуси долзарбдир.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Диссертация ишининг предметини иқтисодиётнинг ривожланишига асосий хисса қўшаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиқлар воситасида рағбатлантириш масалалари ташкил этади, тадқиқот объектини эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиққа тортишни самарали режалаштириш билан боғлиқ фаолият жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Мазкур ишнинг мақсади давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришда иқтисодиётнинг бўлаги бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиқлар воситасида рағбатлантириш масалаларини таҳлил қилиб, уларни

ривожлантиришни солиқлар воситасида рағбатлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун илмий иш олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

- кичик бизнес ва тадбиркорликнинг самарали шакли эканлигини асослаб бериш;

- тадбиркорликнинг юридик шахсни ташкил этилган тури, яъни кичик корхоналарни солиққа тортиш тартибини таҳлил қилиш;

- тадбиркорликнинг юридик шахсни ташкил этилмайдиган тури, яъни яқка тадбиркорликни солиққа тортиш тартибини таҳлил қилиш;

- кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликнинг иқтисодий ривожлантиришдаги ролини очиб бериш;

- Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни солиққа тортишнинг таҳлилини амалга ошириш;

- кичик бизнесни солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг асосланганлик даражасини таҳлил қилиш;

- мамлакатимизда кичик бизнесни солиқлар воситасида рағбатлантиришни ривожлантириш мақсадида, кичик бизнесни солиққа тортишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.** Илмий ишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиқлар воситасида рағбатлантириш масалаларини ҳозирги аҳволини чуқур таҳлил қилиш натижасида солиқ таъсирчанлигини оширишга қаратилган қуйидаги илмий таклифлар ишлаб чиқилган:

1. Кичик корхоналар тўлайдиган ягона солиқ тўловининг солиққа тортиш объекти бўлиб ялпи тушум хизмат қилади. Албатта, бу кўрсаткични ҳисоблаш, уни солиқ идоралари томонидан назорат қилиш (уни беркитиш ёки камайтириб кўрсатишнинг деярли иложи йўқ бўлгани учун) осон. Аммо, ялпи тушум кўрсаткичи корхона ҳисобот даврини фойда

билан тамомлайдими ёки зарар билан тамомлайдими, ҳисобга олмайди, чунки агар корхона хўжалик фаолиятини зарар кўриб тамомласа ҳам корхонага тушум тушаверади ва натижада ягона солиқ тўловини тўлайверишга мажбур бўлади. Бу ҳол уларни кўрқитади, чунки уларга доимий равишда ҳисобот даврини зарар билан тамомлаб қолиш эҳтимоллиги ҳавф солиб туради. Шунинг учун, кичик ва оилавий бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўловининг солиққа тортиш объекти сифатида «ялпи тушум»ни эмас, балки корхона фаолиятининг молиявий натижаларини тўлиқ ҳисобга олувчи «ялпи даромад» ёки «ялпи даромад ва ҳаражатлар орасидаги фарқ» кўрсаткичини кўллаб, уларга бу кўрсаткичлардан ҳоҳлаганларини танлаб олиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

2. Фермер хўжаликлари учун ягона ер солиғининг солиққа тортиш базаси сифатида «ер участкаларининг меъёрий қиймати»ни эмас, балки корхона фаолиятининг молиявий натижаларини тўлиқ ҳисобга олувчи «ялпи даромад» ёки «ялпи даромад ва ҳаражатлар орасидаги фарқ» кўрсаткичини кўллаб, уларга бу кўрсаткичлардан ҳоҳлаганларини танлаб олиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

3. Ҳозирги пайтда якка тартибдаги тадбиркор даромадни қайси ҳудуддан топишига қарамасдан солиқни фақат рўйхатдан ўтган жойидаги солиқ идорасига тўлайди. Албатта, бу ҳол солиқ идоралари учун тадбиркорларни назорат қилишни осонлаштиради, аммо ижтимоий адолат талабларига зиддир, чунки даромад берувчи ҳудудда шу фаолият билан шу ҳудуд фуқароси шуғуланиши ва даромад қилиши мумкин эди. Шу сабабли уни такомиллаштириш зарур ва бошқа таклифлар.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Давлат бюджети даромадларининг ўз вақтида тўлиқ шакллантирилиши солиқ тушумларининг миқдорига боғлиқ. Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиқлар воситасида рағбатлантириш солиқлар турини тўғри танланса ва унинг таъсирини доимий кузатиб турилса, давлат

бюджетига солиқ тушумлари режалаштирилган миқдорда ва ўз вақтида тушиши таъминланади. Ушбу диссертация мавзуси худди юқоридаги масалаларга бағишланган.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.** Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари мумтоз иқтисодчи олимлардан Т.Гоббс, А.Смит, Д.Рикардо, У.Петти, Н. Тургенев, Д.Юм, А.Лаффер, Лоренц ҳамда ҳозирги замон иқтисодчи олимларидан Р.Кемпбелл, К.Макконел, Г.Менкью, В.Твердохлебов, С. Фишер, А.Вознесенский, В.Глухов, Э.Тейт, А.Шенк, Е.Глазова, Т.Юткина, Н.Миляков, Д.Черникларнинг илмий изланишлари ва асарларида бевосита ёки билвосита ёритилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида, ҳамда мамлакатимизда солиқлар назарияси ва амалиётини ривожлантиришда ўзининг муайян ҳиссасини қўшиб келаётган олим ҳамда амалиётчи мутахассислардан А.В. Вахобов, Қ.Яҳёев, Т.Маликов, Э.Гадоев, О.Олимжонов, М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, Ш.Тошматов, Ш.Гатаулин, А.Муталов, В.Беганов, Б.Тошмуродова, М.Рихсиева, Ф.Шамсутдинов, М. Алимардонов, Қ.Бозоров, С.К. Худайкулов, Д.М. Муталова ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилган. Аммо, оилавий бизнесни солиқлар воситасида рағбатлантириш масалаларини такомиллаштириш улар томонидан чуқур ўрганилмаган.

**Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи.** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси «Оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги» қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги, Ўзбекистон

Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси ва Молия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитасининг кўрсатмалари, шу соҳа бўйича ёзилган хорижий ҳамда республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан яратилган назарий, амалий, илмий ва ўқув-услубий адабиётлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, турли матбуот органларида эълон қилинган материаллар ҳамда интернет тармоғи маълумотлари ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг материалларидан мавзуга оид илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришда, тегишли фанлар бўйича ўқув адабиётларини яратишда, маъруза матнларини яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

**Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.** Ушбу диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг биринчи бобида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ривожлантиришдаги роли, тадбиркорликнинг моҳияти ва афзалликлари ўрганилган.

Ишнинг иккинчи бобида Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни солиққа тортишнинг таҳлили берилган.

Ишнинг учинчи бобида иқтисодий модернизация ва диверсификациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиқлар воситасида рағбатлантиришни такомиллаштириш йўллари бўйича амалий тавсиялар берилган.



## **I боб. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ривожлантиришдаги роли**

### **1.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти ва афзалликлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида кичик бизнес субъектлари бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга эканлиги хақида:

- биринчидан, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодийнинг муҳим таркибини ташкил қилувчи тармоқ бўлган кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади;

- иккинчидан, тузилишига кўра ихчам, қарорлар қабул қилишда тезкор ва ҳаракатчан, янги тартиб-қоидаларни қисқа муддатда ўзлаштирадиган кичик бизнес жаҳон ва минтақалар бозорларидаги талаб ва конъюнктура ўзгаришларига анча тез мослашади;

- учинчидан, кичик бизнес ташкил қилиш ва юритиш катта харажат ҳамда капитал қўйилмаларни талаб етмайди. Бу эса ишлаб чиқаришни тез ва осон модернизация қилиш, техник ҳамда технологияни қайта жихозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, уларнинг номенклатурасини мунтазам янгилаб бориш ва рақобатбардошлигини таъминлаш имконини беради;

- тўртинчидан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид салбий оқибатларига йирик корхоналарга нисбатан ушбу ҳафга бардош бера олиш қобилияти анча юқоридир;

- бешинчидан, кичик тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш

воситаси ҳамдир.

Мазкур соҳа ҳар бир кишига ўз истеъдоди ва имкониятларини намоён этиш учун замин туғдирмоқда, шу тариқа ташаббускор, омилкор, мустақил фаолият юрита оладиган, ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга қодир инсонлар тоифасини шакллантиришга хизмат қилмоқда»<sup>2</sup>, -деб таъкидлаб ўтган эди.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, республика раҳбарияти хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш масалаларига иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қараб, уларга турли хил имтиёзлар бериб келмоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Яна бир муҳим масала кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар борасида қулайлик ва енгилликлар яратиш билан боғлиқдир”<sup>3</sup>, - деб айтган сўзлари ҳам тасдиқлаб турибди

Ҳозирги вақтда солиқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар иккита муҳим вазифага қаратилган. Булар: солиқларнинг йиғувчанлик даражасини ошириш ва солиқ юкини камайтириш. Шунингдек солиқ тизими олдида турган яна бир долзарб вазифа бу кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштиришдир. Таҳлиллар корхоналарга асоссиз равишда кичик бизнес субъекти мақомини бериш, уларнинг кичик бизнесга бериладиган имтиёзлардан ўринсиз ва ноҳақ фойдаланишларига олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун корхона ва ташкилотларга «кичик бизнес субъекти» мақомини бериш ҳуқуқини берувчи мезонни тўғри танлаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун дунёда кичик бизнесга доимий равишда алоҳида аҳамият бериб келинмоқда, кичик корхоналарнинг хўжалик юритувчи субъектлардаги улуши ўсиб бориши натижасида кичик бизнес субъектлари

---

<sup>2</sup> И.А.Каримов «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси. 15.09.2012 йил сони.

<sup>3</sup> И.А.Каримов барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиёти юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Халқ сўзи газетаси 2011 йил 22 январ.

илфор мамлакатлар иқтисодиётининг етакчи қисмига айланган (1-жадвал).

## 1-жадвал

### Айрим кўрсаткичлар бўйича кичик бизнес субъектларининг хусусиятлари <sup>4</sup>, фоизларда

Мамлакат	Кичик корхона-ларнинг хўжалик юритувчи субъектлардаги улуши	Кичик корхона-ларда ишловчиларнинг барча ишловчилардаги улуши	Кичик корхона-лардаги йиллик сотувининг умумий сотувдаги улуши	Кичик корхона-ларнинг миллий даромаддаги улуши
АҚШ	99,8	53,0	45,0	34,9
Япония	99,3	77,7	51,8	56,6
Германия	87,7	66,0	-	47,4
Буюк Британия	75,8	52,0	39,0	-

Ушбу жадвалда илфор мамлакатлар АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия иқтисодиётининг етакчи қисмига айланган кичик бизнес субъектларининг хўжалик юритувчи субъектлардаги улуши, ишловчиларнинг барча ишловчилардаги улуши, йиллик сотувининг умумий сотувдаги улуши, миллий даромаддаги улуши юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Шундай қилиб, кичик бизнес субъектларининг юқори самарадорлигига бугунги кунда ҳеч қандай шубҳа қолмади, шунинг учун уларга катта имтиёзлар берилган ва бу имтиёзлардан бунга ҳуқуқи бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар ҳам фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бунинг олдини олиш учун корхона ва ташкилотларга кичик бизнес субъекти мақомини берувчи меъзонни қатъий белгилаб қўймоқ зарур.

Бундай меъзон сифатида қуйидаги:

- ишловчилар сони;
- ишлаб чиқариш қувватлари;
- сотилган маҳсулот миқдори;
- асосий фондлар қийматининг миқдори каби кўрсаткичларни қўллаш

<sup>4</sup> Собиров Х.Р., Фаттахов А. А., Иминов О. Н. «Налогообложение малого и среднего бизнеса в Республике Узбекистан» Т, Молия, 2000, -41 с.

мумкин.

Чет эл адабиётларида, кичик бизнес субъектлари қаторига 1дан 100 кишигача ишловчи хўжалик юритувчи субъектлар киритилади:

- 1 дан 20 кишигача – хунармандчилик устахоналари;
- 20 дан 100 кишигача – кичик корхоналар.

Аммо, ўрганишлар шуни кўрсатадики, дунёнинг турли мамлакатларида хўжалик юритувчи субъектларни кичик бизнес субъектлари қаторига киритиш меъзонлари масаласида ягона фикр йўқ. Масалан, кичик бизнеснинг аҳамияти жуда баланд бўлган Японияда хусусий корхоналар 7 гуруҳ (1 кишидан 4 кишигача, 5-9, 10-29,30-49, 50-99, 100-299, 300-499 гача) га бўлинган. Германияда анча йирик гуруҳлаш қўлланилади (20-49, 50-99, 100-199, 200-499). Буюк Британияда хўжалик юритувчи субъектларни кичик бизнесга киритиш 3 та кўрсаткич асосида амалга оширилади, яъни ишловчилар сонидан ташқари баланс миқдори ва йиллик оборот миқдори қўлланилади. АҚШда тармоқлар хусусиятини ҳисобга олиб “йиллик сотув миқдори” кўрсаткичи қўлланилади. Масалан, транспортда йиллик сотув миқдори 3,5 дан 20 млн. доллар орасида, қурилишда – 9-21, улгуржи савдода-15-35, чакана савдода -3,5 – 13,5, хизмат кўрсатиш соҳасида 2,5 – 14,5 млн. доллар<sup>5</sup> орасида бўлса, бу хўжалик юритувчи субъект кичик бизнес субъекти ҳисобланади. Шундай қилиб, хўжалик юритувчи субъектларни кичик бизнес субъекти қаторига киритиш меъзонлари масаласида дунёда ягона ёндошув йўқ.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги пайтда корхона ва ташкилотларга кичик бизнес субъектлари мақомини бериш ҳуқуқига эга бўлган меъзон сифатида юқоридаги кўрсаткичлардан фақат биттаси, яъни “ишловчилар сони” кўрсаткичи қабул қилинган. Эътироф этиш лозимки, ишловчилар қаторига корхонанинг ўзининг барча тоифадаги ишловчиларидан ташқари, шу корхонанинг филиаллари, дочерний корхоналари ва ваколатхоналарининг ишловчилари, ҳамда шартномалар

---

<sup>5</sup> Собиров Х.Р., Фаттахов А. А., Иминов О. Н. «Налогообложение малого и среднего бизнеса в Республике Узбекистан» Т, Молия, 2000, -43 б.

бўйича иш бажарувчилар ҳам киради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 6 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги фармонида ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ кичик бизнес субъектлари қаторига қуйидагилар:

- яқка тадбиркорлар;
- микрофирмалар ва кичик корхоналар киритилади.

Ҳозирги вақтда кичик бизнес Ўзбекистонда меҳнатга жалб қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг асосий соҳаси ҳисобланиб, республикада барча банд аҳолисининг 76,7 фоизини иш ўринлари билан таъминлайди.

2000-йилда бу кўрсаткич 49,7 фоизга тенг эди. Иқтисодиёт соҳасида изчил амалга ошираётган ана шундай чора-тадбирларимиз ўзининг юксак самарасини бермоқда.<sup>6</sup>

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва узоқ муддатли рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2015 йилда 26 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектларини (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) яратиш имконини берди.

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 9078,4 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 91,7 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви ва конкрет вақт шароитларининг ўзгариши натижасида хўжалик юритувчи субъектларни кичик бизнес субъекти қаторига киритиш меъзонларининг миқдорлари ҳам ўзгариши мумкин (2-жадвал).

---

<sup>6</sup>2014 йил якунлари бўйича президент маърузаси

**Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектларни  
кичик бизнес субъектлари қаторига киритиш меъзонлари (ишловчилар  
сони ортиқ бўлмаслиги лозим)**

	<b>Иқтисодиёт тармоқлари</b>	<b>1998<sup>7</sup></b>	<b>1998</b>	<b>2013</b>	<b>2016<sup>8</sup></b>
		<b>Кичик корхона</b>	<b>Кичик корхона</b>	<b>Кичик корхона</b>	<b>Кичик корхона</b>
<b>1.</b>	Ишлаб чиқариш тармоқларида	40	40	-	200
<b>2.</b>	Хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида	-	-	-	-
<b>3.</b>	Улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида	10	10	-	-
<b>4.</b>	Енгил, озиқ-овқат ва мебел саноати, метал ва ёғочга ишлов бериш, асбобсозлик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда	-	-	100	200
<b>5.</b>	Машинасозлик, металлургия, иссиқлик – энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилишда ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида	20	20	50	50
<b>6.</b>	Фан, фанга хизмат қилиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланишда ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида	10	10	25	25

Жадвалдан кўриниб турибтики, кичик бизнес субъектларининг меъзонлари ҳарбир тармоқда бир хил эмас, балки турличадир. Масалан:

1. Микрофирма бўлиши учун ходимлар сони:

- ишлаб чиқариш тармоқларида – 20 тадан;

- хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлабчиқариш тармоқларида-10 тадан;

- улгуржи, чакана савдо во умумий овқатланиш да – 5 тадан

ошмаслиги лозим.

2. Кичик бизнес субъекти бўлиши учун ходимлар сони:

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сонли қарори

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015 йил 22 декабрдаги «2016 йилги макроиктисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПП-2455 сонли қарори.

- енгил, озиқ-овқат, мебель саноатларида, метал ва ёғочга ишлов бериш, асбобсозлик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда-100 тадан;

- Машинасозлик, металлургия, иссиқлик – энергетика ва кимё саноати, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилишда ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – 50 тадан;

Фан, фанга хизмат қилиш, транспорт, алоқа, хизмат корсатиш, савдо ва умумий овқатланишда ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида – 25 тадан ошмаслиги лозим

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги пайтда корхона ва ташкилотларга кичик бизнес субъектлари мақомини бериш ҳуқуқига эга бўлган меъзон сифатида юқоридаги кўрсаткичлардан фақат биттаси, яъни “ишловчилар сони” кўрсаткичи қабул қилинган.

Эътироф этиш лозимки, ишловчилар қаторига корхонанинг ўзининг барча тоифадаги ишловчиларидан ташқари, шу корхонанинг филиаллари, шўба корхоналари ва ваколатхоналарининг ишловчилари ҳамда шартномалар бўйича иш бажарувчилар ҳам киради.

Корхоналарга кичик бизнес субъекти мақомини берувчи меъзон сифатида қўлланиладиган ишловчилар сони уларнинг қайси тармоққа киришларига боғлиқ. Масалан, корхона микрофирма ҳисобланиши учун ходимлар сони:

- ишлаб чиқариш тармоқларида – 20 тадан;

- хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида-10 тадан;

- улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланишда – 5 тадан ошмаслиги лозим.

Кичик бизнес субъекти ҳисобланиши учун ходимлар сони:

- енгил, озиқ-овқат, мебель саноатларида, метал ва ёғочга ишлов бериш, асбобсозлик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда - 200 тадан;

- машинасозлик, металлургия, иссиқлик–энергетика ва кимё саноатида-100 тадан;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилишда ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – 50 тадан;

- фан, фанга хизмат қилиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий оқатланишда ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида–25 тадан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 6 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги Фармониға ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги фармониға мувофиқ кичик бизнес субъектлари қаториға қуйидагилар:

- яққа тадбиркорлар;
- микрофирмалар ва кичик корхоналар киритилади.

Президентимиз И.А.Каримов «Тадбиркорлик – иқтисодий танглиқдан олиб чиқишнинг, иқтисодий тараққиётға олиб боришнинг асосий иқтисодий воситаси, тараққиёт локомотиви»,<sup>9</sup> – деб таъкидлаган едилар. Мамалқатимиз иқтисодчиларидан академик С.Ғуломовнинг таъкидлашича: “кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳар қандай шароитда иқтисодий тушқунликда ҳам, инфляция даврида ҳам, кредитлар фоизи ўта юқори бўлаганда ҳам, хавф-хатар қанчалик юқори бўлмасин, яшайверади.”

Таҳлиллар корхоналарға асоссиз равишда кичик бизнес субъекти мақомини бериш, уларнинг кичик бизнесға бериладиган имтиёзлардан ўринсиз ва ноҳақ фойдаланишларига олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун корхона ва ташкилотларға «кичик бизнес субъекти» мақомини бериш ҳуқуқини берувчи мезонни тўғри танлаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>9</sup>Каримов И.А.Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли “Ўзбекистон”, 1992 йил.78 б.



## **1.2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тутган ўрни.**

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ўзбек халқининг асрий орзуларининг амалга ошишига ва мамлакатимизнинг юксалишига, иқтисодиётимизнинг комплекс ривожланишига, унинг таркибини кенгайтиришга ва такомиллаштиришга, халқ фаровонлигини оширишга ва аҳолининг эркин, фаровон ҳаёт кечиришига кенг имкониятлар яратди.

Маълумки, собиқ иттифоқ меҳнат тақсимооти таъсирида ҳар бир иқтисодий район ва ҳар бир иттифоқдош республика маълум бир комплексга, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти эса пахта комплексига ихтисослашган эди. Бу ерда пахта ишлаб чиқариш, унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ва унга хизмат кўрсатувчи тармоқлар ривожланган эди. Шунинг учун, республика иқтисодиётининг бир томонлама ривожланганлиги натижасида, собиқ иттифоқ республикалари орасидаги кооперация алоқаларининг барбод бўлиши оқибатида иқтисодиётнинг ҳолати кескин ёмонлашди, яъни иқтисодиётнинг саноат ва бошқа тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш кескин камайиб кетди, биринчи даражали заруратга эга бўлган маҳсулот етишмаслиги сезила бошлади ва аҳолининг турмуш даражаси пасая бошлади. Табиийки, кучли иқтисодий потенциалга эга бўлган, ер қаърида кўплаб миқдорда Менделейев жадвалининг деярли барча элементлари бўлган, жуда қулай табиий-иқлимий шароитга, ривожланган коммуникация воситаларига ва истеъдодли кадрларга эга бўлган Ўзбекистон шароитида бундай аҳволга рози бўлиш мумкин эмас эди.

Мамлакат раҳбарияти қатъият билан бошлаган илмий-амалий асосланган, аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора – тадбирлари (шу жумладан жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарши кураш) натижасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти аста – секинлик билан комплекс ривожланган иқтисодиётга айлана борди.

Ҳозирги жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда иқтисодиётни янада ривожлантириш, унинг таркибини кенгайтириш ва такомиллаштириш, унинг самандорлигини ошириш бўйича катта тадбирлар амалга оширилаётир ва улар 2004 йилдан бошлаб иқтисодиётимизнинг ривожланиш суръатларини жадаллаштириб юборди (3- жадвал).

### 3- жадвал

#### Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий–иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (олдинги йилга нисбатан фоизларда)<sup>10</sup>.

Кўрсаткичлар	2004 йил	2009 йил	2012 йил	2015 йил
Ялпи ички маҳсулот	107,7	109,0	108,1	108,0
Саноат ишлаб чиқариши ҳажми	109,4	112,7	109,0	108,8
Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	110,1	104,5	105,7	106,8

Ушбу жадвалда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий–иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари 2004 йилдан бери юқори натижа кўрсатиб келмоқда. Охириги 2013 йилли оладиган бўлсак мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги - 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси - 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётнинг бундай жадал суръатлар билан ривожланишига, таркибининг такомиллашувига ва самандорлигининг ошишига кичик бизнес субъектларининг таъсири тобора ошиб бораётир. Масалан, кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотларидан.

1998 йилдаги 22,6 фоиздан 2013 йилда 55,8<sup>11</sup> фоизгача ўсди.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги олти йил мобайнида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 1,9 баробар кўпайди ва 2013 йилга келиб улар сони 450 мингтадан ошиб кетди. Кичик бизнеснинг аҳамияти айниқса жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги пайтда янада ошиб бормоқда. Бу фикрни Президент И.А.Каримов ўзининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган маърузасида “Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдигам катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожига алоҳида ўрин эгаллатди,”-деган сўзлари тасдиқлаб турибди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни тезкор ривожлантириш масалаларига ўзининг иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қараб, уларга турли хил ва жумладан солиқдан имтиёзлар бериб келмоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Яна бир муҳим масала кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар борасида қулайлик ва енгилликлар яратиш билан боғлиқдир”<sup>12</sup>, - деб айтган сўзлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, кичик бизнес субъектлари Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Фаровонлигимизнинг ошиб боришини ва иқтисодиётимизнинг самарадорлигининг ўсишини бозор муносабатларининг ривожисиз, тадбиркорликнинг кенг ёйилишисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, “кичик бизнес субъектлари кимлар?”, - деган савол туғилади.

---

<sup>11</sup> И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Халқ сўзи газетаси 2011 йил 22 январ.

<sup>12</sup> И.А.Каримов барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиёти юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Халқ сўзи газетаси 2011 йил 22 январ.

Кичик бизнес субъектлари катта корхоналардан ҳеч қандай фарқ қилмайдилар ва улардан фақатгина миқёс (размер) лари билан фарқ қиладиган корхона, ташкилотва микрофирмалардир, ёки кичик корхоналар деганимизда, қандайдир бошқа корхоналар тушунмай, балки барча мулкчилик шаклларига асосланган оддий корхоналар тушунилиб, улардан фақат миқёслари билан фарқ қиладилар. Амалдаги қонунчиликка биноан кичик бизнес субъектлари иқтисодийнинг барча тармоқларида, мулкчиликнинг барча шаклларида тузилиши ва тақиқланмаган барча фаолият турлари билан шуғлланиши мумкин.

Кичик бизнес субъекти – ҳуқуқий шахс. У номи ёзилган ўз муҳрига, мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб рақамига эга бўлиши лозим. У ўз номидан шартномалар тузади, ўз мулкӣ ҳуқуқлари ва бурчларига эга бўлади. Ҳакамлик суди ва бетараф ҳакамлик судларида даъвогар ёки жавобгар сифатида чиқиши мумкин.

Кичик бизнес субъекти:

- фуқаролар, оила аъзолари ва биргаликда фаолият юритаётган бошқа шахслар;

- давлат, ижарачи, жамоа, қўшма корхоналар, жамоат ташкилотлари ва уларнинг корхоналари, акционерлик жамиятлари ва бошқа ҳуқуқий шахслар;

- давлат мулкчини тасарруф этиш топширилган идоралар;

- жисмоний ва ҳуқуқий шахслар ҳамкорлигида ташкил этилиши мумкин.

- кичик бизнес субъектларини ташкил этиш кўп маблағ ва кўп вақт талаб етмайди;

- кичик бизнес субъектларини ҳар қандай, хаттоки энг кичик аҳоли пунктларида ҳам жойлаштириш мумкин. Бу эса Республикаимизнинг демографик ўзига ҳослиги, яъни аҳоли сонининг ўсиш суръатлари баландлиги ва натижада аҳолини иш жойлари билан таъминлашмуаммоларини тезлик билан ҳал қилишга имкон беради.

Буларнинг ҳаммаси бизнинг Республикамиз шароитида алоҳида аҳамият касб этади;

- бозор конъюктураси талабларига тез мослашади;

- маҳаллий ва иккиламчи ҳом-ашъёдан максжмал фойдаланиш имконини беради;

- ички бозорни истеъмол товарлари ва хизматлар билан қисқа муддатларда тўлдириш имконига эга;

- соғлом рақобатни кучайтиришга, маҳсулот сифатини яхшилашга, чакана нархлар пасайишига шароит яратади.

- янги иш жойлари яратиш ва аҳоли пунктларининг инфраструктурасини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга имкониятлар яратади;

- бюджетни ишсизлик бўйича нафақалар тўлаш билан боғлиқ ҳаражатлардан озод этади.

Кичик бизнес субъектларининг самарадорлигига энг яхши таснифни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бериб ўтган эди. “Кичик бизнес—жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўтадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир. Бу - Республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитишдир. Бу янги иш ўринларидир. Шуни ҳамиша назарда тутиш керакки, фақат кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг, ҳамма жойда ривожлантириш ҳисобигагина ғоят кескин муаммони - аҳолининг, айниқса қишлоқ жойларда ва ортиқча меҳнат захиралари кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қандай катта аҳамият берилаётганини яна мавжуд бўлган регионларда иш билан бандлигини таъминлаш вазифасини ҳал қилишга қодир бўламиз.”<sup>13</sup>

Халқимиз турмуш даражасини узлуксиз ўстириб бориш мақсадида давлатимиз уларга турли хил имтиёзлар бериб келмоқда, жумладан

---

<sup>13</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.йил -197 бет.

хўжалик юритининг тобора янги самарали шакллари ишлаб чиқиб, иқтисодий амалиётга татбиқ этмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов «Тадбиркорлик – иқтисодий тангликдан олиб чиқишнинг, иқтисодий тараққиётга олиб боришнинг асосий иқтисодий воситаси, тараққиёт локомотиви»,<sup>14</sup> – деб таъкидлаган едилар. Мамалкатимиз иқтисодчиларидан академик С.Ғуломовнинг таъкидлашича : “кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳар қандай шароитда :иқтисодий тушкунликда ҳам, инфляция даврида ҳам, кредитлар фоизи ўта юқори бўлагнда ҳам, хавф-хатар қанчалик юқори бўлмасин, яшайверади.”

Иқтисодий ислохотларни янада еркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёнида кичик бизнесни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бозор иқтисодиётга ўтиш шароитида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, бозорларни товарлар билан тўлдириш, рақобат муҳитини яратиш, ишсизликка барҳам бериш мамлакат олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади. Шу сабабли Президентимиз томонидан кичик бизнес субъектларини ҳуқуқий асосларини яратиш ва кичик бизнес субъектларини ривожлантириш бўйича бир неча чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Хусусан, 1998 йил 9 апрелда «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-1987-сонли Фармонлари қабул қилинган. Ушбу фармонга Президентимиз томонидан 2003 йил 30 августда ПФ-3305-сонли Фармон билан ўзгартириш киритилган. Ушбу фармонларга асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 11 октябрда “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида” 439-сонли Қарор қабул қилинган. Қарор асосида микрофирма ва кичик корхона статусига ега бўлган кичик бизнес субъектларининг фаолият туридан келиб чиққан ҳолда ўртача йиллик

---

<sup>14</sup>Каримов И.А.Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли “Ўзбекистон”, 1992 йил.78 б.

ишчилар сони белгиланди. Масалан, бошқа улгуржи савдо корхонасининг фаолият тури бўйича коди 71150 бўлиб, бошқа улгуржи савдо микрофирмаларидаги ишчилар сони 1 тадан 5 тагача ишчи белгиланган. Бошқа улгуржи савдо кичик корхонасида ишчилар сони 6 тадан 25 тагача белгиланган. Давлатимиз раҳбари томонидан республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий ёналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- Мамалакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг еркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғояларни бартараф етиш бўйича-зарур чора тадбирларни амалга ошириш лозим.

- Вазирлар маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий хўжалик фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш вазифаси топширилади.

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлар, хом-ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур. 2011 йилда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига махсус квоталар ажратиш орқали кичик бизнеснинг давлат харидлари тизимидан фойдаланишини кенгайтириш борасида алоҳида механизмни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харид қилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очиқ электрон тизимни босқичма босқич жорий етиш вазифаси топширилди. Ўзбекистон банклар ассоциацияси тижорат банклари билан ҳамкорликда инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатлари тайёрлашни молиялаштириш жамғармасини ташкил қилиши зарур. Бу эса кичик бизнес субъектларининг бизнес режаларини тайёрлаш сарф- харажатларини камайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва кредитлар бериш муддатларни қисқартириш имконини яратади.

Биз кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни туғдириб беришимиз керак. Кичик корхоналар учун таашқи савдо операцияларини расмийлаштиришдаги ортиқча ички процедураларни бартараф етиш, кичик бизнес соҳаси маҳсулотларини экспорт қилиш борасида қўшимча преференсиялар бериш зарур.

Шуларни ҳисобга олиб кичик бизнес корхоналари фаолияти кўрсаткичларини эконометрик моделлаштиришнинг услубий асослари тадқиқ қилинади ва улар ривожланишининг моделлари ишлаб чиқилади.. Бунинг учун иқтисодий жараёнларни моделлаштириш усуллари ва унда қўлланиладиган ёндашувлар, моделларни таҳлил қилиш ва уларни кичик бизнес корхоналари фаолиятини тизимли о`рганиш ва ривожланишидаги аҳамияти очиб берилди.

Кичик бизнес корхоналари ишлаб чиқариш, меҳнат ва моддий ресурслар миқдорларини ҳамда фойда ва харажатлар ҳажмини моделлаштириш усуллари ва уларга мос ишлаб чиқариш функциялари тузиши лозим.

Саноатнинг енгил, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларида ишчиларнинг енг кўп сони илгариги 100 кишидан 200 кишигача оширилгани кичик бизнесни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар тизимидаги муҳим қарор бўлди<sup>15</sup>.

- микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 50 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар,

---


<sup>15</sup>ПФ-4609, 2014-йил 7-апрел



кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.<sup>16</sup>

2015 йилнинг 1 июлидан яқка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва яқка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун ўрнатилган ставканинг 30 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилади.<sup>17</sup>

2014-йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ ёки 2013-йилга нисбатан 1,3 баробар кўп, шу жумладан, 2 триллион сўмга яқин миқдордаги микрокредитлар ажратилди. Бу ўтган йилга қараганда 39 фоиз кўпдир. Сўнгги беш йилда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб 5 баробар кўпайди.



### 1-Расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар динамикаси.

Хусусий тадбиркорларнинг хомашё ресурсларидан фойдаланиш

<sup>16</sup> ПФ-4232. 28.07.2010

<sup>17</sup> ПФ-4725.15.05.2015

имконияти, биринчи навбатда, бундай маҳсулотларни биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кўпайтириш ҳисобидан сезиларли равишда кенгайтирилди. Масалан, 2014-йилда улар томонидан Республика товар-хомашё биржасида қарийб 3 триллион сўмлик ёки 2013-йилга нисбатан 1,6 баробар кўп хомашё ва материаллар сотиб олинди. Шу билан бирга, хусусий тадбиркорлар биржа савдолари орқали ўзлари ишлаб чиқарган 1 триллион 500 миллиард сўмлик маҳсулотни сотди, бу кўрсаткич 2013-йилга қараганда 1,7 баробар кўпдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида талаб ва таклиф кичик бизнес корхоналарини самарали фаолият олиб боришга ундайдиган механизм сифатида намоён бўлди. Агарда корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бозор талабларига тўлиқ- жавоб берса, демак корхонанинг ушбу маҳсулотларни сотишдан оладиган даромадлари ўсиб боради ва корхона кўшимча кенгайиш имкониятларига эга бўлади. Иккинчи томондан, товарларнинг нархи ишлаб чиқарувчиларга бозорда бўладиган ўзгаришлар тўғрисида сигнал бўлиб хизмат қилади. Товарларнинг бозордаги нархлари ошиши билан ишлаб чиқарувчиларга рақобат пайдо бўлади ва улар бозорга кўплаб маҳсулотлар чиқара бошлайдилар.

Шундай янгиликлардан бири-бу Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йил 26 апрелда кучга киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунидир.

Қонун оилавий тадбиркорлик соҳасида барқарор янги иш жойларини ташкил этиш ҳисобига ҳозирги вақтда норасмий секторда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ишчи кучларини, шу жумладан меҳнат шартномасини расмийлаштирмасдан тадбиркорларга ёрдам бераётган оила аъзоларини расмий бандлик соҳасига босқичма-босқич жалб этишни таъминлайди.

Бизнесни муваффақиятли юритиш нафақат кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектининг ишбилармонлик кўникмаларига, балки уларнинг молиявий-иқтисодий билим даражасига ҳам боғлиқдир.

### **1.3. Оилавий бизнес – тадбиркорликнинг самарали шаклидир**

Халқимиз турмуш даражасини узлуксиз ўстириб бориш мақсадида давлатимиз уларга турли хил имтиёзлар бериб келмоқда, жумладан хўжалик юритининг тобора янги самарали шакллари ишлаб чиқиб, иқтисодийтимиз амалиётига татбиқ этмоқда.

Шундай янгиликлардан бири-бу мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилган.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ғояси республикаимиз Президенти томонларидан ишлаб чиқилиб, 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тақдим қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да илгари сурилган эди. Концепцияда, хусусан, "...бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келганлиги, мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келиш..."лиги таъкидланган эди.

Бу ғояларни ҳаётга тўла-тўқис татбиқ этиш механизми ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган ва Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, 2012 йилнинг 26 апрелида мамлакатимиз Президенти томонидан имзоланиб, матбуотда эълон қилинган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунда ўзининг тўла ифодасини топди, десак муболаға бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа, иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан эса жиддий янгилик бўлди. Чунки дунё мамлакатлари қонунчилиги тарихида, жумладан бизнинг мамлакат қонунчилиги тарихида ҳам бугунги кунга қадар бизнеснинг "оилавий корхона" тарзидаги бутунлай янги ташкилий-

хуқуқий шакли кузатилмаган ёки бошқача қилиб айтганда, қонун даражасида мустақамланмаган эди. Шу билан бирга, жорий йилнинг 27 февраль куни юртбошимиз томонидан қабул қилинган "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорда "бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш" лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Бугунги кунгача оилавий тадбиркорлик, асосан, якка тартибдаги тадбиркорлик ёки хусусий корхона ва масъулияти чекланган жамият шаклида амалга оширилди. Гарчи бундай шаклдаги тадбиркорлик фаолияти оиланинг бошқа аъзолари иштирокида амалга оширилган бўлса-да, уларнинг хоҳиш-истаги, ҳаракатлари ҳамда манфаатлари ҳисобга олинмас эди, қолаверса, шу пайтгача оила ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил субъекти сифатида фақат тор доирада, чекланган муносабатлар иштирокчиси сифатида тан олиб келинган. Шу сабабли четдан қараганда, у фақатгина моддий бойликлар истеъмолчиси сифатида эътироф этилар, аксинча, уни моддий бойликлар ишлаб чиқарувчиси сифатида эътироф этиш, гўё ўринсиздек туюларди. Мустақиллик йилларида халқимиз бозор муносабатларининг турли босқичларини ўз тажрибасидан ўтказди ва ўз навбатида, оилаларнинг ҳам тадбиркорлик жараёнларига фаол киришиб кетиши тезлашди. Бундан ташқари, юртимизда асрлар давомида оилавий тадбиркорлик мавжуд бўлган ва ривожланган. Ота-оналар ва фарзандларнинг ишлаб чиқариш иттифоқи маънавий ва моддий манфаатлар уйғунлиги асосида ташкил этилган. Бу бизнесга раҳбарлик қилиш низо ва жанжалларсиз, муҳими, ишлаб чиқариш жараёнига зарар етмаган ҳолда авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 5,5 млн дан ортиқ оила хўжалиги

мавжуд бўлиб, бу оила аъзоларининг асосий қисми иқтисодийнинг барча соҳаларида иш билан банддир. Бундан ташқари, ишга лаёқатли оила аъзоларининг бир қисми уй ишлари билан банд бўлиб, қолган қисми эса меҳнат шартномасини расмийлаштирмасдан ҳар хил соҳаларда фаолият юритишмоқда.

"Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунда Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорлик иккита шаклда, яъни юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонун оилавий тадбиркорлик соҳасида барқарор янги иш жойларини ташкил этиш ҳисобига ҳозирги вақтда норасмий секторда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ишчи кучларини, шу жумладан меҳнат шартномасини расмийлаштирмасдан тадбиркорларга ёрдам бераётган оила аъзоларини расмий бандлик соҳасига босқичма-босқич жалб этишни таъминлайди.

Оилавий тадбиркорлик билан юридик шахсни ташкил қилиб ёки ташкил қилмасдан амалга оширилиши мумкин. Юридик шахсни ташкил қилиб фаолият юритиш оилавий корхоналарда амалга оширилади. Юридик шахсни ташкил қилмасдан фаолият юритиш яқка тадбиркорлик асосида амалга оширилади.

Юқоридаги қонуннинг 4 моддасига биноан «оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир».

Оила бошлиғи, унинг хотини (эри), ота-онаси, болалари ва набиралари, уларнинг хотинлари (эрлари), туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг хотинлари (эрлари) ҳамда болалари, тоға ва

амакилари ҳамда амма ва холалари оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин.

Оилавий корхона иштирокчиларининг умумий сони кичик бизнес субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши ва энг кам сони икки кишидан оз бўлиши мумкин эмас

Оилавий корхона фаолиятининг молиявий натижалари кўп жихатдан қўлланиладиган солиқларга боғлиқдир.

Оилавий корхоналар худди кичик бизнес субъектлари каби ягона солиқ тўлови тўлайдилар. Аммо, оилавий корхоналар кичик корхоналарга нисбатан бир қатор афзалликларга эга:

- оилавий корхона иштирокчиларига тегишли бўлган турар жойларни оилавий корхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб этилмайди;

- оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган холда товарлар ишлаб чи оилавий корхона ариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал хизматлар (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади;

- коммунал хизмат кўрсатиш, электр ва газ таъминоти корхоналари зарур коммуникация тармоқларининг оилавий корхона фаолияти амалга оширилаётган жойгача етказилишини ҳамда уланишини аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида таъминлайди;

- оилавий корхонага кичик бизнес субъектлари учун назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади;

- давлат органлари оилавий корхонани ривожлантириш ва мустахкамлашга кўмаклашиши шарт;

- фойдаланилмаётган яшаш учун мўлжалланмаган жойларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун оилавий корхонага ижарага берилишини

таъминлайди;

- ишлаб чиқариш майдонлари қуриш учун ер ажратилишини таъминлайди;

- оилавий корхона ишлаб чиқариш объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини таъминлайди;

- оилавий корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш учун махсус жойлар берилишини таъминлайди;

- оилавий корхона томонидан ишлаб чиқарилган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилади.

Қонун оилавий тадбиркорликнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини белгилайди:

- биринчидан, оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлиги асосида ташкил қилиниши мумкин;

- иккинчидан, оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади, яъни иштирокчиларнинг айнан ўзлари шахсий меҳнатлари билан корхона фаолиятида иштирок этишлари шарт бўлиб ҳисобланади;

- учинчидан, Қонуннинг 4-моддасида оилавий корхона иштирокчиларининг ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган. Бундан шу нарса кўринадикки, оилавий корхона кичик бизнес субъекти ҳисобланади ва у кичик бизнес субъектига нисбатан қўлланиладиган барча имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади;

- тўртинчидан, оилавий корхонанинг бошлиғи иштирокчилар умумий йиғилишида барча иштирокчилар билан келишилган ҳолда сайланади ва у фақат иштирокчилардан бири бўлиб, ёлланма ишчи корхона бошлиғи бўлиши мумкин эмас. Корхона бошлиғи юридик ва жисмоний шахслар

билан ўзаро муносабатларда оилавий корхона номидан иш кўради, аммо у таъсис шартномасини ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш, корхона фаолияти турларини белгилаш, корхона устав фондини белгилаш ва унинг миқдорига ўзгартишлар киритиш, корхона молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни кўриб чиқиш, корхона фойдасини тақсимлаш тўғрисидаги каби масалаларни якка ўзи ҳал эта олмайди;

- бешинчидан, оилавий корхона умумий мулк негизида ташкил қилинади, оилавий корхонада фарзандлар ўз мулки ёки маблағи бўлмаса ҳам шахсий меҳнати билан қатнашиб, иштирокчи бўлиши мумкин;

- олтинчидан, оилавий корхона иштирокчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ оилавий корхонанинг мажбуриятлари бўйича корхона мол-мулки етмаса, ўзларига тегишли мол-мулк билан субсидиар жавобгар бўлади;

Оилавий корхонанинг афзалликлари тўғрисида сўз юритсак - оила яшаб турган турар жойда фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни шу жойнинг ўзида сотиши мумкин. Оилавий корхонага берилган бундай имконият оилавий тадбиркорликни бошлаш ва уни самарали давом эттириш ишини анча осонлаштиради. Бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга асосланган юридик шахс ташкил этишдан кўра оилавий корхона ташкил этишнинг яна бир арзон ва қулай жиҳати шундаки, оилавий корхона иштирокчилари корхона устав фондини энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан паст бўлмаган миқдорда мустақил ҳолда белгилашлари мумкинлиги Қонунда мустаҳкамланган.

Энг муҳими оилавий корхона иштирокчиларига тегишли бўлган турар жойларни корхона устав фондига киритиш ёхуд улардан оилавий корхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди. Шунингдек, Қонун иштирокчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан уларнинг бирига тегишли бўлган ягона уй (квартира)нинг оилавий корхонанинг устав фондига киритилишига йўл қўймайди.

Оилавий корхона ягона солиқ тўлови тўловчиси ҳисобланади, яъни



солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин уларнинг ихтиёрида қоладиган фойдага солиқ солинмайди, бу фойда унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ва бунда иштирокчилар даромад солиғи тўламайдилар. Агар оилавий корхона халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш билан шуғулланса, уларни реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан ҳам озод қилинадилар.

Оилавий корхона ташкил қилишнинг яна бир мақбул томони шуки, агар бундай корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари, жумладан электр, сув, канализация, газ, иссиқлик таъминоти ҳақини корхона учун эмас, балки аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга ошириши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24-апрелида қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунида оилавий тадбиркорликка қўйидагича тавсиф берилган: «Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир».

Оилавий корхона иштирокчилари қаторига оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, набиралари, ота-онаси, болалари ва набираларининг хотинлари ва эрлари, туғишган ва ўғай ака-ука, опа-сингиллар, уларнинг хотинлари ва эрлари, амма-хола ва амаки-тоғалари кирадилар. Шу ерда бир оилавий корхона иштирокчилари бошқа оилавий корхона иштирокчилари бўла олмасликларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Оилавий корхона зарур бўлган ҳолларда меҳнат шартномаси асосида ёлланма ишчиларни қабул қилиши мумкин.

Оилавий корхона ўз фаолиятини фақат кичик бизнес субъекти мақомига эга бўлган юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириши

мумкин. Корхонанинг оилавий корхона шаклига мансублигини билдириш мақсадида оилавий корхонанинг фирма номи ёнига «оилавий корхона» деган сўзлар ёзиб қўйилиши шарт ёки оилавий корхонанинг қисқартирилган фирма номи ёзилса «оилавий корхона» сўзлари ўрнига қисқартириб «ОК» деб ёзиб қўйилиши шарт. Халқ истеъмоли ва халқ хунармандчилиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳалари оилавий корхона фаолиятининг асосий соҳалари ҳисобланади.

Шу билан бирга қонунда оилавий корхоналар учун айрим чекловлар ҳам мавжудлиги таъкидлаб ўтилган. Масалан, улар акцизоти маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўланадиган фойдали қаъзилмалар қазиб чиқариш ҳамда ягона ер солиғи ва юридик шахслар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ тўлаш лозим бўлган фаолиятлар билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганлар.

Оилавий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, барча кичик тадбиркорлик субъектлари каби ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, ҳакамлик суди ва бетараф ҳакамлик судларида даъвогар ёки жавобгар сифатида чиқиши мумкин. Оилавий корхона ўз номи ёзилган муҳрига, мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб рақамига эга бўлиши лозим.

Юқоридаги қонуннинг 4 моддасига мувофиқ «Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда оилавий корхона иштирокчиларининг уйишли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оилавий корхона иштирокчиларидан хар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир».

Корхонанинг мол-мулки устав фондидан, кредитлар ва бошқа қарз маблағлари ҳисобига олинган мол-мулқдан, маҳсулотларни сотиш (ишлар

базариш, хизматлар кўрсатиш) дан олинган ва оилавий корхонани ривожлантиришга сарфланадиган даромадлардан, бу даромадлар ҳисобига олинган мол-мулкдан ва бошқа маблағлардан ташкил топади. Оилавий корхонанинг устав фонди корхонани рўйхатдан ўтказилаётган пайтдаги энг кам иш ҳақининг камида 10 бараварига тенг бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикасида оилавий корхона кичик тадбиркорлик субъекти мақомига эга бўлгани учун унда ишловчиларнинг умумий сони қайси тармоққа киришига қараб шу тармоқ кичик тадбиркорлик субъекти учун қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан ошиб кетиши мумкин эмас ва оилавий корхоналар барча кичик тадбиркорлик субъектлари сифатида бошқа тадбиркорлик субъектларига нисбатан бир қатор афзалликларга эга.

Бугунги кунда кичик бизнеснинг самарали шакли бўлган оилавий корхоналар жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида кичик бизнес субъектларининг 65-95 фоизини, жумладан АҚШ, Канада ва Италияда – 95, Швеция ва Швейцарияда – 90, Англияда – 76, Австралия ва Жанубий Кореяда – 75 фоизни ташкил этади.<sup>18</sup>

### **I боб бўйича хулоса.**

Охириги йилларда жаҳонда ҳукм сураётган молиявий –иқтисодий инқирознинг салбий таъсирига қарамасдан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўз ривожланишини давом эттираяпти.

Иқтисодиётимизнинг бундай муваффақиятларга эришишида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг роли беқиёсдир, чунки республика раҳбарияти тмонидан уларга берилаётган имтиёзлар натижасида улар ҳозирга келиб иқтисодиётимизнинг йирик ва самарали йўналишига айланиб улгурдилар. Масалан, кичик бизнес субъектлари 2015 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56, 3 фоизини бермоқдалар ва ҳар

---

<sup>18</sup> «Ишонч» газетаси 2012 йил 17- май сони

йили кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ярим миллиондан ортиқ янги иш жойлари ташкил этилаётир. Аҳолиси тез ўсадиган бизнинг мамлакатимиз шароитида бу нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий самарадорликка эгадир.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг янги юқори самарадор шакллари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилинмоқда. Шундай юқори самарадор бўлган янгилик сифатида оилавий тадбиркорликни келтириш мумкин.

Мамлакатимиз шароитида оилавий тадбиркорлик икки йўналишда, яъни юридик шахсни ташкил этган ва юридик шахсни ташкил этмаган шаклда ривожлантирилмоқда.

Юридик шахсни ташкил этган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик оилавий корхона бўлиб, у кичик бизнес мақомига эга бўлади.

Юридик шахсни ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик яқка тадбиркор мақомига эга бўлган тадбиркордир.

Оилавий тадбиркорлик оддий тадбиркорликнинг энг самарали шакли бўлиб, ҳозирги кунда у жадал ривожланиб бораётир.

Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ ( ЎРҚ-327-сонли, 2012 йил 26 апрель)

- Оилавий корхона - қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ягона солиқ тўловини тўловчиси ҳисобланади. Оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

- Оилавий корхона меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий фондларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўловлар тўлайди.

- Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади.

## **II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Кичик бизнес субъектларини солиққа тортишнинг амалдаги ҳолатининг таҳлили**

Ўзбекистон ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга берилаётган эътиборга юқоридир. “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши муҳимлиги оила аъзоларини тадбиркорликка фаол жалб этиш аҳоли турмуш даражасини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатини таъминлашига асос яратади.

Ўзбекистон Республикасида оилавий корхона ўз фаолиятини фақат кичик бизнес субъекти мақомига эга бўлган юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида мамлакатимизда кичик бизнесни устувор суръатлар билан ривожлантиришда солиқларнинг аҳамиятини таъкидлаб «Солиққа тортиш масаласи доимий равишда эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда»<sup>19</sup>, -деб айтган эди.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни жадал ривожлантириш вазифаси қўйилган бир шароитда, кичик бизнес субъектларига мос келадиган солиққа тортиш тартибини ишлаб чиқиш ва солиқ амалиётига тадбиқ этиш объектив заруратга айланиб қолган эди, чунки:

- кўпчилик кичик бизнес субъектларининг оладиган даромадлари паст

---

<sup>19</sup> И.А.Каримов «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси. 15.09.2012 йил сони.

бўлгани учун улар барча умумбелгиланган солиқларни базўр тўлашлари мумкин эди;

- мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг шаклланиш шароитида давлатнинг устувор вазифалари қаторига рақобат муҳитини барпо этиш кўйилган эди. Ўз навбатида соғлом рақобат бўлиши учун бозорда бир пайтнинг ўзида кўплаб мустақил ташкилотлар ва шахсий корхоналар қатнашиши лозим;

- солиққа тортишнинг умумбелгиланган тартибида бозорнинг кичик қатнашчиларининг солиқларни ҳисоблаш, ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш ҳамда уларни солиқ идоралари олдида ҳимоя қилишга кетадиган солиштирма харажатларни минималлаштиришга имконлари йўқ эди, чунки уларнинг етарли миқдорда малакали ходимларни ишлатишга имкониятлари йўқ эди;

- ўз навбатида солиқ идоралари ҳам солиққа тортишнинг умумбелгиланган тартибида фаолият юритувчи кўплаб майда солиқ тўловчилар устидан солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш бўйича улкан харажатларга йўл қўяр эдилар.

Бу муаммони ҳал қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов «Иқтисодиётни эркинлаштиришда, биринчи навбатда, солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш масалалари муҳим ўрин тутди»<sup>20</sup> - деб кўрсатиб ўтган эди.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, кичик бизнесни устувор суръатлар билан ривожлантиришни рағбатлантириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида, унинг солиққа тортиш механизмининг соддалаштириш, солиқ турларининг, солиқ ҳисоби шакллари ва ҳисоботлар сонини камайтириш, солиқ тўловчиларга тушунишларини осонлаштириш ва солиқларни тўлаш муддатларини бир ой ёки ундан камроқ муддат (декада)дан йил чорагигача узайтириш ва пировард натижада солиқ юкини оптималлаштириш

---

<sup>20</sup> И.А.Каримов “Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш-барча ислоҳат ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. // Халқ сўзи, 2008- йил, 9 феврал.

вариантларини излаб топиш мақсадларида, мамлакатимиз солиқ тизимига янги конституционал ўзгариш - солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби ишлаб чиқилиб, солиқ амалиётига жорий этилди, яъни кичик бизнес субъектларида ходимлар сони чегараланган бўлгани учун уларга кам меҳнат, кам вақт ва камроқ моддий харажатлар сарфлаш имконини берадиган ихчамлаштирилган, соддалаштирилган солиққа тортиш тартиби ишлаб чиқилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига «солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби – солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек, улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини кўзда тутувчи алоҳида тартибидир ва «ягона солиқ тўлови»ни, «ягона ер солиғи»ни ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича «қатъий белгиланган солиқ»ни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг махсус қоидалари қўлланилишини, шунингдек, мазкур солиқлар бўйича солиқ ҳисоби ва ҳисоботи тақдим этилишини назарда тутуди»<sup>21</sup> - деб келтирилган Ўзбекистон Республикасида солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибига ўтказилган юридик шахсларнинг энг кўп қисми «ягона солиқ тўлови» тўловчилари бўлиб, улар барча тармоқларнинг кичик бизнес субъектларини ва ундан ташқари миқёсидан қатъи назар савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини, ҳамда лотореялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахсларни ўз ичига оладилар.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни билан киритилган ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, Солиқ кодексининг 305, 311 ва 370-моддаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оилавий тадбиркорлик

---

<sup>21</sup> Солиққа оид қонун ҳужжатлари. 2008. –Т.: NORMA, 2008. - 238, 239 - бетлар.

субъектининг қатъий белгиланган солиқ ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Хусусан, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар қўйидаги миқдорларда суғурта бадалларини тўлайди:

- якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси – ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда;

- оиланинг бошқа аъзолари (18 ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) – ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорда.

Шунингдек, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширишда оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрадиган якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосигина қатъий белгиланган солиқ тўловчиси бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича «қатъий белгиланган солиқ»ни тўловчилар қаторига фаолиятининг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган фаолиятининг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар киради.

Ягона солиқ тўлови» тўловчилари кичик бизнес субъектлари ва шу жумладан оилавий корхоналар қуйидаги солиқлар ва мажбурий тўловлар:

- юридик шахслар фойда солиғи (24 варақ);
- қўшилган қиймат солиғи (15 варақ);
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (3 варақ);
- мол-мулк солиғи (13 варақ);
- ер солиғи ( 8 варақ) ва бюджетдан ташқари:
- пенсия жамғармаси (2 варақ);
- республика йўл жамғармаси (2 варақ);
- умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва



соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси (2 варақ)га мажбурий ажратмалар ўрнига фақат битта ягона солиқ тўловини (11–варақ) ни тўлайдилар, яъни солиқ инспекциясига топшириладиган ҳисоботларнинг умумий миқдори 69 варақдан 11 варақчага камайди ва ҳисоботларни солиқ инспекциясига топшириш муддатлари йилига 12 мартадан 4 мартагача камайди. Оқибатда ягона солиқ тўловини ҳисоблаш соддалашди, осонлашди ва хато қилмаслик имконияти  $8 \times (12 - 4) = 64$  мартагача ошди.

Ундан ташқари, ягона солиқ тўловини тўловчи оилавий корхоналарга ҳам барча кичик бизнес субъектлари каби ўз хоҳишларига қараб қўшилган қиймат солиғини тўлаш ҳуқуқи берилган. Агар бу имкониятдан фойдаланилса, ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига (лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга) камайтиради. Натижада қўшилган қиймат солиғи суммасининг миқдорига қараб, ягона солиқ тўловининг 2014 йил учун белгиланган ставкаси (6 фоиз) ни икки баравар (3 фоиз) гача пасайтириб ҳисоблаб чиқариши ва бюджетга тўлашлари мумкин. Албатта, бу оилавий корхона учун солиқ юқини пасайтириш учун жуда катта имконият, чунки оилавий корхона бюджетга қанча қўшилган қиймат солиғи суммасини ўтказмасин, бу сумма унинг пировард молиявий натижаларига таъсир кўрсатмай, бу маҳсулотни сотиб олувчи истеъмолчи томонидан тўлаб берилади, яъни қўшилган қиймат солиғи суммасини тўлашдан оилавий корхона фойда ҳам, зарар ҳам кўрмайди.

Ундан ташқари оилавий корхона ўзи хом-ашъё сотиб олаётганда тўлаган қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам истеъмолчи ҳисобидан тиклаб олади. Бу ерда қўшилган қиймат солиғи тўловчи оилавий корхона бюджетга тўланиши лозим бўлган ягона солиқ тўлови суммасининг ярмисигача миқдорини ўз ихтиёрида қолдириб ютади, бюджетга эса шунча миқдорда ягона солиқ тўлови суммаси тушмай қолади. Бошқача қилиб

айтганда-ягона солиқ тўлови тўловчиси жуда катта суммани ютади, давлат эса ютказмайди, чунки йўқотилаётган ягона солиқ тўлови суммаси ўрнига шунча миқдорда қўшилган қиймат солиғи суммаси бюджетга тушади.

Ягона солиқ тўловчиси бўлган кичик бизнес субъектлари ва оилавий корхоналар барча юридик шахслар каби қуйидаги солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашни давом эттирадилар:


- тўлов манбайида ушлаб қолинган фойда солиғи;
- божхона тўловлари;
- бажарилган ишлар ва хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи;
- акциз маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги акциз солиғи;
- ер қаридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- ягона ижтимоий тўлов;
- алоҳида товарлар турлари билан чакана савдо қилиш ва алоҳида хизмат кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;
- давлат божи;
- автотранспорт воситаларини сотиб олиш ва Ўзбекистонга вақтинчалик олиб кириш учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

Шундай қилиб, кичик бизнес субъектларининг энг самарали шакли бўлган кичик корхоналар ихчам, яъни ҳужжатлар айланишини камайтиришга, ҳисоб ва ҳисобот шаклларини соддалаштириш, ҳисоботлар сонини камайтиришга имкон берадиган ягона солиқ тўловини тўлайдилар. Бу эса оилавий корхоналарнинг солиқ юқини оптималлаштиришга ва уларнинг самарадорлик даражасини оширишга имкон яратади.

Давлат Солиқ Қўмитаси маълумотларига кўра Тошкент шаҳарида ягона солиқ тўлови тўловчиларининг сони 38926 тани ташкил этади. Шундан саноатда жами 7608 та, қишлоқ хўжалигида 4024 та, савдо ва умумий овқатланишда 13959 та ягона солиқ тўловчилар мавжуд.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, мамлакатимиз солиқ амалиётига солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини кенг жорий қилишга катта аҳамият берилмоқда. Масалан ягона солиқ тўлови ставкалари

сурункали равишда пасайтириб келинмоқда (2-расм).



**2-расм. Ўзбекистон Республикасида ягона солиқ тўлови ставкаларининг динамикаси, олдинги йилга нисбатан фоизларда.**

Расмдан кўриниб турибдики, ягона солиқ тўлови ставкалари 2006 йилда 13%ни ташкил этган бўлса, 2007 йилдан бошлаб сурункали равишда пасайиб келмоқда ва 2015 йилдан бошлаб ҳозиргача 5 фоизга тенгдир. Саноат ишлаб чиқари саҳасидаги кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ ставкаси 5 % га пасайтирилиши айнан шу соҳани ривожланиши учун кенг имконият яратди.

Шу билан бирга, даромад олишнинг қийин ёки осонлигига қараб, айрим соҳаларда ягона солиқ тўлови ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015йил 22 декабрдаги 2455 - сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорида ўртача ставкадан кескин фарқ қилади (4-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, деярли барча тармоқларда тўланадиган ягона солиқ тўлови ставкалари 2016 йилда ўзгармай қолган ва ундан ташқари янги мустақил солиқ ставкалари қўлловчи солиқ тўловчилар пайдо бўлиб (жадвалнинг 2 ва 8 бандлари), уларнинг ставкалари бошқаларникидан фарқ қилади.

**Ўзбекистон Республикасида ягона солиқ  
тўловининг ставкалари динамикаси, фоизларда <sup>22</sup>**

<b>Солиқ тўловчилар</b>	<b>Ставка</b>	
	<b>2008 йил</b>	<b>2016 йил</b>
Иқтисодийнинг барча тармоқлари корхоналари, 2-7 бандларда кўрсатиб ўтилганлари бундан мустасно	8	5
Саноат ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи корхоналар	-	5
Оммавий ахборот муҳарририятлари, нашриётлар, полиграфия ташкилотлари, телерадиоэшиттириш компаниялари	-	5
Компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш (реализациянинг камида 80 фоизи бўлса)	5	5
Божхона расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи юридик шахслар-брокерлар		6
Ломбардлар		30
Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар	30	30
Тайёрлов ва таъминот-сотиш ташкилотлари, брокерлик идоралари, воситачилик, топшириқ ва шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхона	33	33
Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар	13	13
Озиқ овқат ва ноозиқ овқат товарлар билан стационар савдо қилиш жойларини ижарага беришга ихтисослашган (ижарага беришдан олинadиган даромад 60%дан кўп) корхоналар	-	30
Озиқ овқат ва ноозиқ овқат товарлар билан стационар савдо қилиш жойларини ижарага беришга ихтисослашган (ижарага беришдан олинadиган даромад 60%дан кўп) корхоналар	-	30

Шу соҳада 2 бандда келтирилган саноат ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи корхоналар алоҳида ажратиб олингани айниқса катта аҳамият касб этади, чунки ҳозирги пайтда маҳаллий инвесторлар уз маблағларини юкори рентабелли ресторанлар ва тўйхоналар қуришга сарфлашлари «мода» бўлган. Шунинг учун саноат ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи корхоналар тўлайдиган ягона солиқ тўловининг

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015йил 22 декабрдаги 2455 - сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори.

ставкасининг пасайтирилгани мамлакатимизнинг индустрлашиш даражасини оширишга ва энг асосийси-ҳозир тақчил бўлган инвестицияларни савдо ва умумий овқатланиш соҳаларидан иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқлари фойдасига қайта тақсимлашга имкон яратади. Шу билан бирга, айрим кичик бизнес субъектлар солиққа тортишнинг хоҳлаган тартибини танлаш ҳуқуқига эга эканликларидан фойдаланиб, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибига ўтмаётирлар.

Албатта, бунинг бир қатор сабаблари бор ва улардан бири-уларнинг солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибида ишловчиларга берилган имтиёзлардан тўлиқ хабардор эмасликлари деб ҳисобланади. Масалан, Солиқ кодексининг 360 моддасига мувофиқ, ягона солиқ тўловини тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғи(ҚҚС)ни тўлашга рухсат берилганидир. Бу омилдан фойдаланилса, ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасига (лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга) камайтирилиши мумкин. Натижада, ҚҚСнинг суммаси миқдорига қараб, ягона солиқ тўловининг 2014 йил учун белгиланган ставкаси(6 фоиз)ни икки баравар(3 фоиз)гача пасайтириб ҳисоблаб чиқариши ва бюджетга тўлашлари мумкин. Албатта, бу солиқ юкини пасайтириш учун жуда катта имконият, чунки корхона бюджетга қанча ҚҚС суммасини ўтказмасин, бу сумма унинг пировард молиявий натижаларига таъсир кўрсатмай, бу маҳсулотни сотиб олувчи истеъмолчи томонидан тўлаб берилади, яъни ҚҚСни тўлашдан корхона фойда ҳам, зарар ҳам кўрмайди. Ундан ташқари, корхона ўзи ҳом-ашъё сотиб олаётганда тўлаган ҚҚС суммасини ҳам истеъмолчи ҳисобидан тиклаб олади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ягона солиқ тўлови тўловчиси жуда катта суммани ютади, давлат эса – ютказмайди, чунки йўқотилаётган ягона солиқ тўлови суммаси ўрнига шунча миқдорда қўшилган қиймат солиғи суммаси бюджетга тушади.

## **2.2. Хусусий тадбиркорликни солиққа тортиш механизми.**

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркор деганимизда фойда олиш мақсадида қонунчилик томонидан таъқиқланмаган бирон-бир фаолият билан шуғулланувчи жисмоний шахс тушунилади. Якка тадбиркор деганимизда юридик шахсни ташкил этмасдан, мустақил равишда, ишловчиларни ёллаш ҳуқуқсиз, ўз мулки бўлган мол-мулкдан фойдаланиб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс тушунилади. Агар якка тадбиркор маълум муддатга ўз фаолиятини тўхтаса, тўхтатишдан олдин у тадбиркорларни рўйхатга олувчи органга ўз фаолиятини вақтинчалик тўхтатиши тўғрисида ариза ва аризага қўшиб давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ўз гувоҳномасини қўшиб топширади. Хусусий тадбиркордан ўз фаолиятини вақтинчалик тўхтатиши тўғрисида ариза ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномасини олган тадбиркорларни рўйхатга олувчи орган бу ҳақида тегишли солиқ органига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклда маълумот беради.

Тегишли солиқ органи учун тадбиркорларни рўйхатга олувчи органдан олинган шахсий тадбиркорнинг ўз фаолиятини вақтинчалик тўхтатиши тўғрисидаги маълумот фаолиятни тўхтатиладиган муддат учун солиқни ҳисоблашни тўхтатиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Якка тадбиркорлар бир марталик декларация билан ишлашлари ҳам мумкин. Бир марталик декларация, бу кутилаётган даромад ҳақидаги маълумотдир. Даромад олиш мақсадида бир марталик операцияларни бажарган ҳолда, оилавий тадбиркорлар рўйхатга олувчи органда рўйхатдан ўтмасдан туриб солиқ инспекциясига бир марталик декларация топширадилар. Бўлажак даромадни кўрсатиб ёзилган бундай декларация операция бажарилмасдан олдин солиқ инспекциясига топширилади. Солиқ инспекцияси бу декларация асосида тегишли даромад солиғи суммасини ҳисоблаб чиқиб, шу суммани тўлаши учун оилавий тадбиркорга тўлов хабарномасини беради. Ҳисоблаб берилган сумма бюджетга тўлангач солиқ

инспексияси оилавий тадбиркорга декларацияни қайтариб беради.

Бир марталик декларация асосида оилавий тадбиркор жисмоний шахслар тўлайдиган даромад солиғини 0 фоиз, 7.5 фоиз, 17 фоиз ва 23 фоизлик шкала бўйича тўлайдилар. Шу билан бирга даромад солиғи бир марталик декларация топширилган ойдаги ставка бўйича ҳисобланади.

Бир марталик декларация топширган тадбиркорлар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелигача солиқ инспекциясига ўзларининг йиллик ялпи даромадлари ҳақида декларация топширишлари шарт.

Агар якка тадбиркорлар бир марталик фаолият юритиб унинг солиғини тўлаб бўлгандан кейин тадбиркорлик фаолиятини давом эттиришни хоҳласа, у албатта юридик шахсни ташкил этмасдан якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши шарт.

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахс-хусусий тадбиркор учун солиқ юқини пасайтириш, солиқ амалиётини соддалаштириш, ихчамлаштириш, осонлаштириш ва арзонлаштириш мақсадида солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибига ўтказилиб, улар учун физик кўрсаткичнинг белгиланган бирлигига тўғри келадиган белгиланган даромад миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган, қатъий суммани акс эттирадиган қатъий белгиланган солиқ тадбиқ этилган ва улар бу солиқни Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 58 бобига мувофиқ тўлайдилар.

Бу солиқни солиқ амалиётига тадбиқ этишдан мақсад - унинг иқтисодийнинг самарадорлигини ва аҳолининг турмуш даражасини тўхтовсиз ошириб бориш вазифаларидан ташқари, меҳнат ресурслари тез ўсувчи мамлакатимиз учун долзарб бўлган ижтимоий муаммо – иш билан банд бўлмаганларни иш жойлари билан таъминлаш муаммосини муваффақиятли йечишдан иборат, чунки Ўзбекистон Республикаси шароитида бу муаммони хал қилишнинг тезкор ва самарали йўли бўлиб эса якка (оилавий) тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади, чунки якка (оилавий) тадбиркорлар ўзлари учун иш жойларини деярли давлат

ёрдамисиз ўзлари яратишга қодирлар.

Қатъий белгиланган солиқ оилавий тадбиркор томонидан даромад солиғи ҳамда бошқа умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига тўланади. Бунда қатъий белгиланган солиқ тўловчи оилавий тадбиркорлар учун қуйидагиларни тўлашнинг амалдаги тартиби сақланиб қолади:

- сув ресурсларидан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланувчилар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

- давлатнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

- давлат божлари;

Агар хусусий тадбиркор солиққа тортиладиган мол-мулкка ва ерга эга бўлса, улар жисмоний шахслар тўлайдиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлашга мажбур.

Агар яқка тадбиркорлик фаолиятини ижарага олинган бино ва жиҳоз, шу жумладан транспортда амалга оширса, у шу фаолиятини амалга оширишдан олдин яшаш жойидаги солиқ инспекциясига ижарага берувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти кўрсаткичлари ҳамда ижара ҳақининг суммаси ва муддати ҳақида маълумот бериши лозим.

Шу билан бирга сотиш мақсадида товарларни импорт қилувчи жисмоний шахслар экспорт-импорт қилиш, улгуржи ва чакана савдо қилиш ҳуқуқига ега бўлган юридик шахсни ташкил етмасдан оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши шарт. Импорт қилинган товарларни сотувчи хусусий тадбиркорлар сотиш пайтида импорт товарларни божхона чегарасидан ўтиш ҳужжатларини кўрсатиши лозим ва агар бу ҳужжатлар бўлмаса импорт қилинган товарлар белгиланган тартибда олиб қўйилади.

Қатъий белгиланган солиқ тўловчи хусусий тадбиркорларга солиқ солишнинг бошқа тартибини танлаш ҳуқуқи татбиқ этилмайди ва у ёлланма ишчи ишлатишга ҳақи йўқ.



Хусусий тадбиркорларнинг қонун билан ман этилмаган, ўз мулкий жавобгарлиги асосида таваккалчилик билан амалга ошириладиган ҳар қандай иқтисодий фаолиятдан оладиган даромадидан толайдиган солиққа тортиш объекти бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

- аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳаларда қонун билан ман этилмаган, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар;

- фуқароларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотига кирмайдиган ёввойи ҳолда ўсувчи мевалар, доривор ўтлар, замбуруғлар, қушлар ва қафасда сақланадиган ҳайвон маҳсулотлари ва бошқаларни сотишдан олинган даромадлар;

- иншоотларни, хонадонларни, хоналарни, гаражларни, автомашиналарни, радио ва телеаппаратураларни, видеокассеталарни, мусиқа асбобларини, тўй либосларини, мебелларни ва бошқа қўчмас мулкни қарзга ва ижарага беришдан олинган даромадлар;

Ҳужжатли тасдиқланадиган харажатлар таркибига қуйидагилар киритилади:

- моддий харажатлар;

- асосий ишлаб чиқариш воситаларини тўла тиклашга ажратиладиган амортизация тўловлари;

- ижара тўловлари;

- давлат ижтимоий суғуртасига тўловлар;

- банкларнинг қисқа муддатли кредитлар учун тўланадиган фоизлар;

- асосий ишлаб чиқариш воситаларини барча турдаги таъмирлаш учун қилинган харажатлар.

Агар фуқаролар қилинган харажатлар миқдори ва таркибини ҳужжатлар билан тасдиқлаб беролмаса, солиқ органлари томонидан ўтказилган текшириш ҳужжатларида келтирилган харажатлар асосида ҳисобга олинади ёки худди шу фаолият билан шуғулланувчи бошқа фуқаролар кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Кустар-хунармандчилик ва халқ амалий санъат соҳаси билан шуғулланувчи оилавий тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилганлар.

Ўзбекистон Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги 2455 сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети паеаметрлари тўғрисида»ги қарорида якка (оилавий) тадбиркорлар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари пасайиб бормоқда (5-жадвал).

### 5-жадвал

#### Хусусий тадбиркорлар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари, энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан қарраларда <sup>23</sup>

Фаолият тури	Ставка					
	Тошкент шаҳри		Вилоят шаҳарлари		Туманлар, қишлоқлар	
	2010 йил	2016 йил	2010 йил	2016 йил	2010 йил	2016 йил
<b>Чакана савдо</b>						
Озиқ-овқат маҳсулотлари билан	12	9	7,5	6	4	3
Қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари билан деҳқон бозоридаги савдо расталарида	7	5	5,5	4	3	2
Ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан	13,5	10	9	6,5	4,5	3
Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан	13,5	10	9	6,5	4,5	3
Маиший хизматлар (3-банддагидан ташқари)	7,5	3,5	3	1,5	1,5	0,5
Сартарошхона, маникюр, педикюр, косметика ва бошқа хизматлар	8,5	4	4,5	2	3	1
Ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш	4,5	2	3,5	1,5	2	1
Бошқа турдаги фаолият(мулкни ижараға беришдан ташқари)	5	2	3	1,5	1,5	1
Юк машиналарида хизмат кўрсатиш:						
3-тоннагача юк кўтарувчи	7	2	5,5	2	4	2
8-тоннагача юк кўтарувчи	12	3	9,5	3	7,5	3
8-тоннагадан ортиқ юк кўтарувчи	17,5	4	13	4	12	4

Жумладан, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи якка (оилавий) тадбиркорлар Тошкент шаҳридагилардан:

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотларидан

- чакана савдода 3 – 3,5 баравар;
- маиший хизмат кўрсатишда – 7 баравар;
- сартарошхона хизматларида - 7 баравар;
- ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишда - 2 баравар;
- бошқа турдаги фаолият (мулкни ижарага беришдан ташқари) да-2 баравар паст.

Жадвалдан шунингдек якка (оилавий) тадбиркорлар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барча фаолият турлари бўйича узлуксиз равишда пасайтирилиб келинаётгани ҳам яққол кўриниб турипти. Масалан, охириги тўрт йилда якка (оилавий) тадбиркорлик фаолиятининг барча турларини амалга оширганлик учун ставкалари ўртача 4 -8 баравар пасайган. Аммо, ставкалар пасайишига қарамасдан, бюджетга келиб тушадиган қатъий белгиланган солиқ суммалари камайиш ўрнига кўпаймоқда, чунки бу суммалар нафақат белгиланган ставкадан келиб чиқади, балки унинг миқдори солиққа тортиш базасига ҳам боғлиқдир. Ўз навбатида солиққа тортиш базасининг ўсиши эса тадбиркорлар сонинг ўсиши ҳам демакдир, яъни бу ҳолда нечта янги тадбиркор пайдо бўлган бўлса шунча янги иш жойи яратилди деганидир.

Биз амалиёт ўтаган Олмазор тумани Давлат солиқ инспекциясида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар сони Тошкент шаҳар кесимида 7% ни ташкил этади (6-жадвал).


Жадвалдан кўриниб турибдики Олмазор тумани Давлат солиқ инспекциясида 1166 та фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар мавжуд.

**6-жадвал**

**Олмазор тумани Давлат Солиқ Инспекцияси маълумоти**

Кўрсаткичлар	Ўлчов миқдори	Тошкент шаҳар кесимида салмоғи (%)
Худуд майдони	33.7 кв.км.	10.1
Аҳоли сони	217.9 минг киши	9.3
Бозорлар ва савдо комплекслари сони:	3	8.1
Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони	3187 та	7.2
Фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар сони	1166 та	7
Солиқ тўловчи жисмоний шахслар сони	63653	10.7
ДСИ штат бирлиги	158 нафар	9.2

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида ишсизликнинг ўсишига қарши курашнинг самарали йўналишларидан бири сифатида якка тадбиркорлар учун яратилган имтиёзлар натижасида уларнинг сони тўхтовсиз ошиб бормоқда (3- расм)



**3- расм. Якка тадбиркорлар сонининг ўсиши, (минг киши)**

Расмдан кўришиб туриптики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланган фақат 2015 йилнинг ўзида якка тартибдаги тадбиркорлар сони 15530 кишига кўпайган. Бунинг сабабларидан бири-якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари пасайтириб борилганидир. Қатъий белгиланган солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади ва Қорақалпоғистон Республикаси Республикаси Вазирлар Кенгаши,

вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиб, қатъий белгиланган солиқ ставкалари оширилиши мумкин.

Республикамиз аҳолисининг ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлари билан бекаму-кўст тўлдириш, асосан қишлоқ жойларда замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни жадал барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2009 йил 28 январда қабул қилинган «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора тadbирлар тўғрисида»ги қарори катта аҳамият касб этади.

Мазкур қарорнинг 2-иловасида келтирилган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ҳамда материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилган. Ушбу солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни барпо этишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда зарур бўладиган хом ашё ва материаллар харид қилишга, киритилган инвестицияларни қоплаш, жумладан кредитларни тўлашга йўналтирилади.

Ўтган 2015 йил мобайнида Олмазор туманида фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг 35 таси жами 203720,4 млрд. сўмлик мазкур солиқ имтиёздан фойдаланганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Бугунги кунга келиб шаҳримизда мавжуд 386 та корхоналар юқорида қайд этилган қарорга кўра берилган имтиёزلардан самарали фойдаланмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг 2007 йил 21 ноябрдаги “Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандига кўра тўқимачилик саноати корхоналари учун умумий реализация ҳажмида 80 фоиз ва ундан ортиқ фоиз тайёр тўқимачилик маҳсулотини ҳамда умумий реализация ҳажмида 60 фоиз ва ундан ортиқ фоиз тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотларини (калава ип, газлама, трикотаж полотно) эркин муомаладаги валютага сотувчи тўқимачилик саноати корхоналари мол-мулк солиғи тўлашдан озод қилинган.

Президентимизнингнинг 2015 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори билан юқорида қайд этилган имтиёزلарни амал қилиш муддати 2018 йилнинг 1 январигача узайтирилди.

Юридик шахсни ташкил этмасдан хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг даромадларига қатъий белгиланган солиқ ставкалари бир ойлик энг кам иш ҳақига нисбатан қарраларда белгиланган бўлиб, жойлашган жойларига қараб ва хизмат кўратиш, ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш, автотранспорт воситаларида хизмат кўрсатиш ва уларни ижарага бериш ҳамда тадбиркорликнинг бошқа турлари учун солиқ ставкалари белгиланган.

Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун уларнинг тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишнинг аниқ тартиби ва

топшириш муддатлари белгилаб берилган. Якка тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун декларация тузишнинг ва солиқ органларига топширишнинг қуйидаги тартиби белгиланган:

- фуқаролар ўтган ойдаги амалда олган даромадлари ва йилнинг қолган даврида олишни мўлжаллаётган даромадлари тўғрисида декларацияни ўзлари турган жойдаги солиқ инспекциясига даромад олган ойдан кейинг ойнинг 5 санасидан кечиктирмай топширадилар. Агар, йил охиригача даромад манбаи йўқолиб қолса, тадбиркор даромад манбаи йўқолгандан бошлаб 5 кун ичида декларация топширади. Агар, йил охиригача даромад манбаи йўқолмаса, тадбиркор йил давомида амалда олган даромади тўғрисида декларацияни келаси йилнинг 15-январигача топширади. Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи оилавий тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ тўлашнинг қуйидаги тартиби ва саналари белгиланган:

- қатъий белгиланган солиқ тадбиркорлик фаолиятининг турига ва фаолият амалга ошириладиган жойига қараб белгиланган ставкалар бўйича тўланади;

- бир неча фаолият тури билан шуғулланувчи тадбиркор ҳар бир фаолият тури учун белгиланган ставка бўйича алоҳида қатъий белгиланган солиқ тўлайдилар. Қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш қатъий белгиланган солиқчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ инспекцияси томонидан амалга оширилади. Қатъий белгиланган солиқни тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ҳар ойда тадбиркор рўйхатдан ўтган жойидаги солиқ инспекциясига ойнинг 25-санасидан кечиктирмай тўлайди. Ўз фаолиятини энди бошлаётган тадбиркор қатъий белгиланган солиқ ҳисобини солиқ инспекциясига ўз фаолиятини бошлашдан олдин топширади, шунингдек солиқни ҳам ўз фаолиятини бошлашдан олдин тўлайди.

### **2.3. Ягона солиқ тўловининг кам миқдорини ҳисоблаш услугиётининг таҳлили**

Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоблаш 2011 йилнинг 3-мартида 2203-рўйхат рақами билан қабул қилинган “Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом” асосида амалга оширилади.

Агар микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ўз фаолият турлари учун белгиланган ставкаларни қўллаб ҳисоблаб чиқарилган ягона солиқ тўлови миқдори ўзлари эгаллаб турган ер участкалари учун тўлайдиган ер солиғи миқдорининг 3 баравари миқдоридан кам чикса, у ҳолда ягона солиқ тўлови миқдори тегишли ер солиғи миқдорининг 3 баравари миқдори даражасигача тўлдирилади, агар кўп чикса – давлат ортиқчасини қайтармайди.

Аммо 2013 йилнинг 4-апрелида қабул қилинган 2449-сонли “Чакана савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ агар, савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан тегишли ставкаларни қўллаб ҳисоблаб чиқарилган ягона солиқ тўлови миқдори худди шу фаолиятни юритувчи якка тартибдаги тадбиркор тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам чикса, у ҳолда ягона солиқ тўлови миқдори тегишли қатъий белгиланган солиқ миқдори даражасигача тўлдирилади. Буерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини қатъий белгиланган солиқ орқали ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ҳисобот чораги яқунлари бўйича асосий фаолият тури қонун ҳужжатларига мувофиқ фақат юридик шахс шаклида ташкил этиладиган тадбиркор-лик субъектлари томонидан реализация қилинадиган товарларнинг чакана савдоси бўлган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан дорихона фаолияти билан якка тадбиркор шуғулланиши мумкин эмас. Шунинг учун дорихоналар



чакана савдо фаолиятини амалга оширувчилар гуруҳига киришига карамай, улар ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини 2449-сонли “Низом” асосида эмас, балки 2203-сонли “Низом” асосида аниқлайдилар.

Ягона солиқ тўловини тўловчи юридик шахс бу солиқнинг энг кам миқдорини қонунчиликка мувофиқ ўз фаолиятини нафақат юритаётганда, балки вақтинчалик тўхтатганда ҳам ҳисоблаб, бюджетга тўлайверади.

Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоблаш 2203-сонли “Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом ” асосида қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришларни, яъни: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиққўмитасининг 2014 йил 14 июлдаги 49 ва 73 сонли ҳамда 2014-15-сонли қарори билан (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2014 йил 22 июлдаги қарори билан рўйхатга олинган) “Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш” тўғрисидаги қарорларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Хусусан, юқоридаги ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган Низомга мувофиқ ягона солиқ тўлови тўловчиларнинг ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш мажбуриятидан қуйидагилар озод этилган:

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 362-моддасига мувофиқ, асосий фаолият тури ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш ёхуд ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар ва қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари ягона ер солиғи тўловчилари ҳисобланадилар.

Агар бу хўжаликлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган фаолият турларини амалга оширсалар мазкур фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши ва ягона солиқ тўлови ёки қатъий белгиланган солиқ тўланиши назарда тутилган фаолият доирасида қатъий белгиланган солиқни тўлаши шарт.

Юқорида таъкидлаб ўтилган тўловчилар тоифаси асосий фаолият тури бўйича ягона ер солиғи тўловчиси эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ягона ер солиғи тўловчиси ягона солиқ тўловини тўлайдиган фаолият турлари доирасида ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш мажбуриятидан озод этилган.

- мазкур Низом нормаларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иклими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сонли Фармони нормаларига мувофиқлаштириш мақсадида кўшимча киритилган бўлиб, унга мувофиқ 2014 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб янгидан ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари (чакана савдоташкилотларидан ташқари) қурилиши яқунланган объектни қабул қилиш ҳужжати тасдиқланганидан кейин 6 ой давомида, бироқ уларнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг бир йилдан кўп бўлмаган даврда, ягона солиқ тўлови тасдиқланган энг кам миқдорини ҳисобга олмаган ҳолда тўлайдилар. Шу билан бирга бундай корхоналар учун агар улар ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ягона солиқ тўловини тўлашга йил мобайнида ўтадиган бўлса, солиқ бўйича ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига исобот даври учун ягона ҳисоб тўловининг ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай, ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори “Маълумотнома - ҳисоб-китоби”ни тақдим этиш мажбурияти сақланиб қолади (1-илова).

Масалан, кичик корхона 2014 йилнинг 1 июлида рўйхатдан ўтиб, 2014 йилнинг 1 августидан қурилишни бошлади. Қурилиш эса 2014 йилнинг 24

ноябрида тугади ва натижаси бўйича қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилди. 2014 йилнинг 30 ноябрида эса қабул қилиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида ҳоким қарори қабул қилинди. Шундай қилиб, корхона ягона солиқ тўловини унинг энг кам миқдорини ҳисобга олмаган ҳолда 2014 йилнинг 1 декабридан 2015 йилнинг 1 июнига қадар тўлаш ҳуқуқига эга.

Тошкент шаҳрини зоналаштиришдаги ўзгартиришлар (2014 йилнинг 1 январидан бошлаб илгари амалда бўлган 14 та зона ўрнига 5 зона белгиланган) ва ойлик энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарганлиги сабабли ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоб-китоби ҳам ўзгаради.

#### 7-жадвал

### Олмазор туманида солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби бўйича солиқ тўловлари тушуми таҳлили<sup>24</sup>

Кўрсаткичлар	2013-йил		2014-йил		2015-йил	
	Режа	Ҳақиқатда	Режа	Ҳақиқатда	Режа	Ҳақиқатда
Ягона солиқ тўлови	28375600	28066598.5	32830937	329794438.6	38889200	38950080.4
Ягона солиқ тўлови (савдо ва умумий овқатланиш корхоналари)	28902100	28786209.6	48939904	49298101.9	42917100	42980277
Қатъий солиқ (жисмоний)		2751213.7	-	3456868.3	0	4406773.3
Қатъий солиқ (юридик)			-	-	0	26335
Қатъий солиқ (автостоянка)		75810.3	0	20515.2	0	9677.3
Жами:	57277700	59679832.1	81770841	85754924	81806300	86373143

Республикаимиз Президенти томонидан савдо соҳасини ривожлантириш, солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш ва уларни давлат томонидан назорат қилиш доимо юқори даражадаги масалалардан

<sup>24</sup>Олмазор тумани ДСИ 1-Н маълумотлари асосида олинган.

бири бўлиб келган. Хусусан, 2002 йил 20 майда қабул қилинган “Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3076-сонли Фармонлари савдо соҳасини солиққа тортишни янада такомиллаштириш учун катта аҳамият касб этди. Президентимизнинг ушбу фармонга асосан 2002 йил 1 июлдан бошлаб, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига ялпи даромад солиғи, мулк солиғи ўрнига ялпи тушумдан ягона солиқ жорий етилди. Умумий овқатланиш корхоналарида ягона солиқ фойдаланиладиган умумий майдонга қараб, Вазирлар Маҳкамаси томондан тасдиқланадиган ягона солиқнинг базавий ставкасига асосланиб жорий етилганли кўрсатилди. Ушбу фармон ижросини амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 13 июнда 208-сонли ва 2002 йил 12 июльда “Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тартиби тўғрисида” 249-сонли Қарор қабул қилинди. Ушбу қарорлар асосида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи тушумдан ягона солиқни ҳисоблаш ва ундириш механизмлари, чакана савдо корхоналари учун белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ тўлови жорий қилинди. Шунингдек, дори-дармон ва тиббиёт буюмларини сотувчи улгуржи савдо корхоналари кўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод етилган.


2007 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 532-сонли Қарорига асосан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун белгиланган ялпи даромад солиғи, мол-мулк солиғи, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратма ва мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар ва ялпи даромад ўрнига ялпи тушумдан ягона солиқ тўлови жорий қилинди. Жумладан, улар таркибига солиқ солишнинг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқсиз савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи республика ихтисослаштирилган улгуржи база конторалари ва уларнинг ҳудудий базалари бундан мустасно) киритилди.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига тегишли бўлган тайёрлов ва таъминот — сотиш ташкилотлари, брокерлик фирмалари, комиссия шартномаси (топшириғи) бўйича хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар солиқ солишнинг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқсиз лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун юридик шахслар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 июндаги «Ихтисослаштирилган улгуржи база — контораларни солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-374-сон Қарори билан назарда тутилган солиқ солиш тартиби сақлаб қолинади.

Бундан ташқари солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш муносабати билан давлат бюджетига тушумлар миқдорининг ўз вақтида ва тўлиқ тушиши ,фаолиятда ялпи тушумни камайтириб кўрсатиш ҳолатларини олдини олиш бўйича Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилиди ва унга кўра солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқаришни 2011 йил 23 февралда рўйхатдан ўтказилилган 2200-сонли Низомга асосан ҳисоблаб чиқариладиган бўлди.

2011 йил 1 январдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 декабр 2010 йилдаги ПҚ-1449-сон "Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарори билан чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳаси корхоналари учун ходимлар сонининг ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилиши белгиланган.«иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» низом билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 28 декабрда 2173 сон билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўрнатилган меъёрларга иш берувчилар томонидан риюя қилинмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органларига белгиланган ходимлар сонининг ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларидан келиб чиқиб ягона ижтимоий тўловни, фуқароларнинг суғурта бадаллари ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини кўшимча равишда ҳисоблаш ҳуқуқи берилган. Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 28 декабрдаги 76-Б-сонли буйруғига (рўйхат рақами 2173-2, 2013 йил 28 январь) мувофиқ ўзгартиришлар киритилиб, улар 2013 йилнинг 4 февралидан кучга кирди.



**4-расм. Микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасининг пасайиши<sup>25</sup>**

2015-йилнинг 13 февралидан 26-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори ҳисобланиши муносабати билан энг кам иш ҳақининг 1 баравари ўрнига унинг 65% қисми ставка ва разрядга кўпайтириладиган бўлди. Бунга сабаб микрофирма ва кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари томонидан 15%ли Ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб чиқарилиши белгиланганлиги,

<sup>25</sup> ДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

бирок энг кам меъёр ҳисобланиши ҳисобига ушбу меърий ставканинг амалиётда аҳамиятсиз қолаверганлиги сабабли қабул қилиниши лозим бўлди.

### 8-жадвал.

#### Якка тартибдаги тадбиркорлар сони ва тадбиркорлик фаолиятдан қатъий белгиланган солиқдан тушган тушумлар таққослама жадвали<sup>26</sup>

Кўрсаткичлар	2013 йил 1-январ ҳолатига	2014-йил 1-январ ҳолатига	2015-йил 1-январ ҳолатига
Якка тартибдаги тадбиркорлар сони	1368	1588	3112
Тушган тушумлар суммаси (млрд сумда)	317,3	415,6	553,1

Олмазор туманида якка тартибдаги тадбиркорлар йил сайин ўсиб бормоқда. Буни юқоридаги жадвалда кўриш мумкин. 2015-йил 1-январ ҳолатига тадбиркорлар сони 2014-йил 1-январ ҳолатига қараганда 1.5%га кўпроқни ташкил қилган. Шулардан оилавий корхона 112 та, хусусий корхона 700 та Маъсулияти чекланган жамият 2300 тани ташкил этади. Умумбелгиланган тартибдаги солиқ тўловчилар жами 112 та (2 %ни), соддалаштирилган тартибдаги солиқ тўловчилар жами 5400 та (98%ни) ташкил этади. Табиийки, уларга тўғри келадиган солиқ тушумлари миқдори ҳам кўпайган. Кўпайиш миқдори 137.5 миллиард сўмни ташкил қилади.

### II боб бўйича хулоса.

Кичик корхоналарга ҳам солиққа тортиш нуқтаи назаридан юридик шахс мақоми берилган. Шунинг учун улар кичик бизнес субъектлари каби

<sup>26</sup>ДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида қўлланиладиган ягона солиқ тўловини тўлайдилар.

Маълумки, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби кичик бизнес субъектларида ишловчилар сони чегараланган бўлгани учун махсус ихчамлаштирилган ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи ва якка тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқларни тўлашни кўзда тутди.

Кичик корхоналар ягона солиқ тўловини, қишлоқ хўжалигида ягона ер солиғини тўлашлари кўзда тутилган. Ягона солиқ тўлови бешта солиқ ва учта давлатнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаларига ажратмалар ўрнига тўланади. Ҳозирги пайтда бу солиқ ставкалари бажараётган фаолият турига қараб фарқланади ва йил сайин пасайтириб келинмоқда.

Ягона ер солиғи барча солиқ турлари ўрнига тўланади, аммо унинг ставкалари анчагина баланд бўлиб, охириги йилларда пасаймасдан 6 фоиз даражасида сақланиб келмоқда.

Юридик шахсни ташкил қилмасдан фаолият юритувчи хусусий тадбиркорлар якка тадбиркорлар каби қатъий белгиланган солиқларни тўлайдилар. Бу солиқ ставкалари ҳам хирги йилларда пасайиб бориш тенденциясига эга. Бу солиқ ставкалари миқдори солиқ тўловчи шуғулланадиган фаолият турига ва жойлашган жойига қараб фарқланади.

Уччала солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларини пасайтирилмоқда, солиқдан қисман ёки тўлиқ озод этилмоқда. Тошкент шаҳрини зоналаштиришдаги ўзгартиришлар (2014 йилнинг 1 январидан бошлаб илгари амалда бўлган 14 та зона ўрнига 5 зона белгиланган) ва ойлик энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарганлиги сабабли ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоб-китоби ҳам ўзгаради.

Албатта бу солиқлар бўйича камчиликлар ҳам бор ва биз уларга ишнинг учинчи бобида тўхталиб ўтамиз.

**III боб. Иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиқлар**



**воситасида қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини  
такомиллаштириш**

**3.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиққа  
тортишдаги муаммолар**

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йиллариданоқ Республикамизда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида турли хил молиявий дастаклар орқали қўллаб-қувватлаш устувор йўналиш сифатида амал қилиб келмоқда. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини рағбатлантиришда солиқ тизимидан фойдаланиш ўз самарасини бериб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорлик ҳаракати кичик ва яқка тадбиркорликнинг шакли сифатида анча янги йўналиш ҳисобланади, шунинг учун оилавий тадбиркорлик масалаларини тадқиқот қилишда шу соҳада илғор бўлган ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва бизнинг мамлакатимиз хусусиятларига тўғри келадиган жиҳатларини қўллаш катта аҳамият касб этади. Масалан, иқтисодиёти энг ривожланган мамлакатлардан бири бўлган Германияда оилавий тадбиркорликка жуда узоқ вақтлардан бери катта аҳамият бериб келинмоқда. Ҳозирги пайтда аксарият Германия оилавий корхоналари учинчи, ҳатто тўртинчи авлод томонидан бошқариб келиняпти. Бу оилавий корхоналар бизнесни ўз қўлларида ушлаб қолиш учун одамнинг ақли етмайдиган услубларни ўйлаб топишади. Германияда оилавий корхоналар сони бир миллиондан ошади ва бу ерларда меҳнат бозоридагиларнинг тахминан 60 фоизи оилавий корхоналарда ишлайдилар.

Оилавий корхоналарнинг айрим соҳаларида улар мамлакат, ҳаттоки жаҳон бозорининг “олди” ҳисобланишади. Бу, айниқса, бозордан ўз мустаҳкам ўрнини топа олган оилавий корхоналар (масалан, “Мерседес Бенц”)га тегишли. Бундай вазиятдан, табиийки, бутун Германия иқтисодиёти манфаатдор. Оилавий корхоналар иттифоқининг маълумотиغا

кўра, деярли 90% немислар шундай корхоналарда ишлаб келмоқдалар.

Аҳолисининг менталитети Ўзбекистон Республикасиникига ўхшаш бўлган Россия Федерациясида ҳам оилавий бизнесга кичик ва якка тадбиркорликнинг самарали шакли сифатида қараб, унинг ривожланиши ва такомиллашиши масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Шу билан бирга, оилавий тадбиркорликни солиққа тортиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси амалиётида бирмунча фарқлар бор. Масалан, Россия Федерациясида оилавий корхоналарнинг солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибига ўтишлари жуда мураккаблаштирилган бўлиб, қуйидаги ҳолларда соддалаштирилган тартибга ўтиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар:

- ишловчилар сони белгиланган меърдан ошиб кетса;
- асосий воситалар ва номоддий активларининг қолдиқ қиймати 100 млн. рублдан ошиб кетса;

- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибига ўтишга ҳақи бўлган оилавий корхона даромадининг миқдори 20 млн. рубл (+индексация)дан ошса, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибда ишловчи корхона ўз-ўзидан умумбелгиланган тартибга ўтган ҳисобланади;

- оилавий корхоналар солиққа тортишнинг, ҳисоблаш ва ҳисоботларнинг соддалаштирилган тартибига фақат ариза берилган чорақдан олдинги йил давомида ушбу солиқ тўловчи ялпи маҳсулотининг умумий миқдори ариза берилган кундаги энг кам иш ҳақининг юз минг марталик ҳажмидан ошиб кетмасоғина ўтишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида эса оилавий корхона ягона солиқ тўловчиси бўлиш учун ғов фақат битта - ишловчилар сони белгиланган меърдан ошиб кетмаслиги лозим, бошқа ҳеч қандай ғов йўқ.

Табиий шароити ва аҳолисининг менталитети оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга жуда қулай бўлган, яъни ҳудуди асосан тоғликлардан иборат бўлиб, мамлакат кичик-кичик шаҳарчалар ва қишлоқлардан иборат бўлиб, у ерларда йирик корхоналарни жойлаштириш

жуда қийин бўлган Арманистон Республикасида ҳам оилавий тадбиркорликни ташкил қилиш ва айниқса, уларни жадал ривожлантириш масалаларига давлат аҳамиятига молик биринчи даражали муаммо сифатида қараб келинмоқда. Арманистон Республикасида “оилавий тадбиркорлик” каторига бир йиллик обороти 29 минг АҚШ долларигача бўлган оила аъзолари (эр, хотин, ака-укалар, опа-сингиллар, ота-оналар ва фарзандлар) ишловчи корхоналар киради.

Ўзбекистон Республикасида эса “оилавий тадбиркорлик” бўлиши шартлари анчагина енгилроқ, яъни йиллик оборот миқдори чегараланмаган, ундан ташқари, оилавий корхоналарда оила аъзоларидан ташқари оилавий бизнесда яқин қариндошлар ҳам қатнашишига рухсат берилган.

“Оилавий тадбиркорлик”ни солиққа тортиш соҳасида ҳам фарқ бор. Масалан, Арманистон Республикасида фақатгина даромад солиғи ундириш кўзда тутилган бўлиб, унинг миқдори ойига 12 долларни ташкил этади. Шунингдек кичик савдо субъектларидан олинадиган солиқнинг ставкаси ойида 3,5%дан 1% гача пасайтириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида 39,5 мингга яқин хўжалик юритувчи субъектлар имтиёз оладилар, бюджет эса 19 млн доллар йўқотади. Арманистон Республикаси раҳбарияти бунга рози, чунки Арманистон Республикаси бош вазири айтгандек, “кичик ва ўрта бизнес”–биринчи навбатда солиқ тўловчилар эмас, балки янги иш жойлари яратувчилардир Шунинг учун уларга максимал даражада қулай шароит яратиб берилиши лозим”.

Ўзбекистон Республикасида эса “оилавий корхоналар” ягона солиқ тўловини тўлайдилар ва унинг ставкалари фаолият турига қараб ўзгарса, Арманистон Республикасида фақат бир хил ставка қўлланилади. Юридик шахсни ташкил қилмасдан оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар эса, солиққа тортиш соҳасида яқка тадбиркорларга тенглаштириладилар ва улар қатъий белгиланган солиқ тўлайдилар. Бу ерда солиқ ставкалари

миқдори фаолият тури ва тадбиркорнинг жойлашган жойига қараб фарқланади.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, оилавий тадбиркорлик соҳасида Арманистон ва Ўзбекистон Республикаларида бир мунча фарқлар бор экан, шунинг учун биз кўшни мамлакат тажрибасининг бизга фойдали тарафларини ўз амалиётимизга жорий қилсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ишнинг иккинчи бобида оилавий корхоналарнинг солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибига ўтиб ишлашининг самарадорлигини кўриб чиқдик. Лекин, «ягона солиқ тўлови» кўрсаткичига ўтиб ишлашнинг нисбатан самарадорлигига қарамасдан, айрим кичик бизнес субъектлари, ўзларининг солиққа тортишнинг ҳоҳлаган тизимини танлаш ҳуқуқига эгаликларидан фойдаланиб, ягона солиқ тўлови тизимига ўтишни хар доим ҳам ҳоҳлайвермаётирлар.

Натижада, солиққа тортишнинг иккала тартибида фаолият юритувчи кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2005 йилдаги 38,2 фоиздан 2015 йилда 56,8 фоиз<sup>27</sup>гача кўтарилгани ҳолда, ягона солиқ тўловини тўловчи кичик бизнес субъектларининг бюджетнинг ялпи даромадларидаги улуши 2005 йилдаги 2,44 фоиздан 2015 йилда 2,01 фоизгача пасайди<sup>28</sup>.

Олиб борилган таҳлиллар кўра бунинг асосий сабабларидан бири – ягона солиқ тўловининг солиққа тортиш объекти ялпи тушум бўлгани эканлигини кўрсатди. Албатта, бу кўрсаткични ҳисоблаш, уни солиқ идоралари томонидан назорат қилиш (уни беркитиш ёки камайтириб кўрсатишнинг деярли иложи йўқ бўлгани учун) осон. Аммо, ҳозир ягона солиқ тўловининг солиққа тортиш объекти бўлган ялпи тушум кўрсаткичи корхона ҳисобот даврини фойда билан тамомлайдими ёки зарар билан тамомлайдими, ҳисобга олмайди, чунки корхонага тушум тушавериши натижасида ягона солиқ тўловини тўлайверишга мажбур бўлади ва бу ҳол

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблаб чиқарган

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблаб чиқарган.

уларни қўрқитади, чунки уларга доимий равишда ҳисобот даврини зарар билан тамомлаб қолиш эҳтимоллиги ҳавф солиб туради. Шунинг учун, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўловининг солиққа тортиш объекти сифатида «ялпи тушум»ни эмас, балки корхона фаолиятининг молиявий натижаларини тўлиқ ҳисобга олувчи «ялпи даромад» ёки «ялпи даромад ва ҳаражатлар орасидаги фарқ» кўрсаткичини қўллаб, уларга бу кўрсаткичлардан ҳоҳлаганларини танлаб олиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ бўларди. Албатта, бу ҳолда ягона солиқ тўлови фойда ёки даромад солиғи бўлиб қолмайдими? - деган савол туғилиши мумкин. Бизнинг жавобимиз - йўқ, чунки бу ҳолда “ялпи тушум” пайтидаги барча имтиёзлар сақланиб қолади.

Ундан ташқари, ягона солиқ тўлови тизимида ишлашга ҳуқуқи бўлган кичик бизнес субъектлари ва жумладан оилавий корхоналарнинг бу тизимга ўтиб ишлашга қизиқишларини кучайтиришга ҳизмат қиладиган жуда кучли рағбатлантирувчи омиллардан бири – бу ягона солиқ тўловини тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлашга рухсат берилганидир. Бу омилдан фойдаланилса, ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига (лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга) камайтиради. Натижада, қўшилган қиймат солиғининг суммаси миқдorigа қараб, ягона солиқ тўловининг белгиланган ставкасини сезиларли даражада пасайтириб ҳисоблаб чиқаришлари ва бюджетга тўлашлари мумкин. Албатта, бу солиқ юқини пасайтириш учун жуда катта имконият, чунки кичик корхона бюджетга қанча қўшилган қиймат суммасини ўтказмасин, бу сумма унинг пировард молиявий натижаларига таъсир кўрсатмай, бу маҳсулотни сотиб олувчи истеъмолчи томонидан тўлаб берилади, яъни қўшилган қиймат солиғини тўлашдан кичик корхона фойда ҳам, зарар ҳам кўрмайди. Ундан ташқари кичик корхона ўзи ҳомашъё сотиб олаётганда тўлаган қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам истеъмолчи ҳисобидан тиклаб олади. Бу ерда қўшилган қиймат солиғи

тўловчи кичик корхона бюджетга тўланиши лозим бўлган ягона солиқ тўлови суммасининг ярмисигача миқдорини ўз ихтиёрида қолдириб ютади, бюджетга эса, шунча миқдорда ягона солиқ тўлови суммаси тушмай қолади. Бошқача қилиб айтганда - ягона солиқ тўлови тўловчиси жуда катта суммани ютади, давлат эса – ютказмайди, чунки йўқотилаётган ягона солиқ тўлови суммаси ўрнига шунча миқдорда қўшилган қиймат солиғи суммаси бюджетга тушади. Афсуски, ягона солиқ тўлови тўловчи оилавий корхоналарнинг кўпчилиги юқорида келтирилган имкониятдан беҳабарлар, ёки моҳиятини тўла тушуниб етмаганлар.

Навбатдаги муаммо шундаки, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибига ўтказилган оилавий фермер хўжаликлари тўлайдиган ягона ер солиғининг қўлланиш амалиётини ўрганиш, Ўзбекистонда ягона ер солиғининг солиққа тортиш базаси масаласида муаммолар борлигини кўрсатди. Масалан, ҳозир ягона ер солиғи тушумини ҳисоблашда солиққа тортиш базаси сифатида ер участкаларининг меъёрий қиймати қўлланилади. Аммо, кўчмас мулк сифатида ернинг нарҳи узлуксиз ошиб бориши натижасида солиққа тортиш базаси қимматлашиб боришига олиб келиши мумкин, бу эса кўп ҳолларда уларни банкротликка олиб бормоқда.

Илмий ишни бажариш жараёнида амалга оширилган таҳлиллар солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибида қўлланиладиган якка тадбиркорлар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ тизимида ҳам муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Масалан, ҳозирги пайтда якка тартибдаги тадбиркор даромадни қайси ҳудуддан топишига қарамасдан солиқни фақат рўйхатдан ўтган жойидаги солиқ идорасига тўлайди. Албатта, бу ҳол солиқ идоралари учун тадбиркорларни назорат қилишни осонлаштиради, аммо ижтимоий адолат талабларига зиддир, чунки даромад берувчи ҳудудда шу фаолият билан шу ҳудуд фуқароси шуғуланиши ва даромад қилиши мумкин эди.

### **3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиқлар воситасида рағбатлантиришни такомиллаштириш йўллари**

Республикамизда оилавий тадбирликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, рўйхатдан ўтказиш, фаолият қўламини кенгайтириш билан биргаликда, уларга хисоботларни тақдим этиш, солиқ, солиш буйича бир қатор имтиёзлар яратиб берилган. Лекин, шу билан бирга берилган имтиёзларнинг берган самараси оилавий тадбиркорликнинг самарадорлигини ошириш йўлида ғов бўлиб турган муаммоларни ҳал этилса, ниҳоятда салмоқли бўлар эди.

Республикамизда кичик бизнес субъектларининг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Кичик бизнес субъектларининг фаолиятини рағбатлантириш механизмлари орасида молия-кредит механизми алоҳида аҳамият касб этади. Қайд этиш лозимки, кичик корхоналарни солиққа тортиш жараёнида текширув жараёнларининг эркинлаштирилиб борилиши уларнинг эркин фаолияти қилишининг муҳим гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борада кичик бизнес субъектлари фаолиятини текшириш жараёнларига тегишли бир қатор меъёрий ҳужжатларни келтириш мумкин. Булар жумласига Ўзбекистон Республикаси президентининг 2005 йил 20 июндаги 3620-сонли «микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2006 йил 7 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги 3771-сонли фармони ҳамда 2005 йил 2 августдаги 1502-сонли «янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида»ги низомни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-соили ва 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада

қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сонли фармонлари билан ҳам бир қатор меъёрлар киритилди.

Республикамізда амалга оширилётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири солиқ тизимини шакллантириш асосида солиққа тортиш механизмининг самарадорлигини таъминлашдан иборатдир. Солиққа тортиш тизимини иқтисодий ислохотларнинг бориши ва унинг мазмунига боғлиқ ҳолда такомиллаштириб бориш солиқ сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Солиққа тортиш тизимининг муҳим бўғинларидан бирини солиқ қонунчилиги ташкил этади. Солиқ қонунчилигининг асосий тамойиллари сифатида унинг умумийлик характери солиқ муносабатларининг тартибга солинишида катта аҳамият касб этсада, бироқ, ҳозирги кунда солиқ қонунчилиги бевосита солиқ тўловчилар фаолиятига тадбиқ этиш жараёнида унинг бир қатор муаммоли жиҳатлари кўзга ташланмоқда. Бу ҳолат эса айрим солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигини ўзларича талқин этиш, солиқ қонунчилигида солиққа оид муносабатларнинг умумий талқинидан «ўз манфаат»лари йўлида фойдаланиш ҳолатларини келтириб чиқариши билан бир қаторда провардида бюджетга солиқ тушумларининг етарли миқдорда тушмаслига олиб келмоқда. Шу бобнинг олдинги параграфидида келтирилган муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги илмий таклиф ва амлий тавсияларни ишлаб чиқишимизга туртки бўлди.

Шундай қилиб, оилавий тадбиркорликнинг юксалиши ва самарали фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос яратилди. Шу билан бирга, юқоридаги қонунчилик ҳужжатида бир қатор муҳим масалалар ёритилмай қолган, жумладан:

- оилавий корхоналар фаолият юритиши мумкин бўлган соҳалар рўйхати бошқа кичик бизнес субъектларига берилган фаолият турлари рўйхатидан бирмунча торроқ. Хусусан, қонунда оилавий корхоналар учун айрим чекловлар ҳам мавжудлиги таъкидлаб ўтилган. Масалан, оилавий



корхоналар акцизости маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўланадиган фойдали қаъзилмалар қазиб чиқариш ҳамда ягона ер солиғи ва юридик шахслар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ тўлаш лозим бўлган фаолиятлар билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганлар. Агар солиққа тортишда «тенг ҳуқуқлилиқ» тамойили талабларидан келиб чиқилса, юқоридаги чекловни олиб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди;

- ҳозир фаолият юритиб турган кичик бизнес субъектлари «оилавий корхона»га айланмоқчи бўлсалар, бунинг механизми очиб берилмаган.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган қонуности ҳужжати қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан ташқари, барча кичик бизнес субъектлари ва шу жумладан оилавий корхоналарни солиққа тортиш бўйича бир қатор муаммолар мавжуд. Булар қуйидагилардир:

1. Ҳозирги пайтда оилавий корхоналар тўлайдиган ягона солиқ тўловининг солиққа тортиш объекти бўлиб ялпи тушум хизмат қилади. Аммо, корхона ҳисобот даврини фойда билан тамомлайдими ёки зарар билан тамомлайдими буни объект ҳисобга олмайди, чунки тушум тушавериши натижасида ягона солиқ тўловин тўлайверишга мажбур бўлади ва бу ҳол уларни қўрқитади, чунки уларга доимий равишда ҳисобот даврини зарар билан тамомлаб қолиш эҳтимоллиги хавф солиб туради.

Шунинг учун ягона солиқ тўловининг солиққа тортиш объекти сифатида ялпи тушумни эмас, балки корхона фаолиятининг молиявий молиявий натижаларини тўлиқ ҳисобга олувчи «ялпи даромад» ёки «ялпи даромад ва харажатлар орасидаги фарқ»кўрсаткичини қўллаб, уларга бу кўрсаткичлардан хоҳлаганларини танлаб олиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Ягона солиқ тўлови тўловчиси бўлган оилавий корхоналарга ҳам қўшилган қиймат солиғини тўлашга руҳсат бермоқ лозим, чунки бу имкониятдан фойдаланилса, ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга

тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига камайтиради. Натижада қўшилган қиймат солиғининг суммаси миқдорига қараб ягона солиқ тўловининг 2016 йил учун белгиланган ставкаси (5%)ни икки баравар (2.5%)гача пасайтириб ҳисоблаб чиқариши ва бюджетга тўлашлари мумкин.

Албатта, бу солиқ юкини пасайтириш учун жуда катта имконият, чунки оилавий корхона бюджетга қанча қўшилган қиймат солиғи суммасини ўтказмасин, бу сумма унинг пировард молиявий натижаларига таъсир кўрсатмай, бу маҳсулотни сотиб олувчи истеъмолчи томонидан тўлаб берилади, яъни қўшилган қиймат солиғини тўлашдан оилавий корхона фойда ҳам, зарар ҳам кўрмайди. Ундан ташқари оилавий корхона ўзи хом-ашё сотиб олаётганда тўлаган қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам истеъмолчи ҳисобидан тиклаб олади.

3. «Оилавий тадбиркорлик тўрисида»ги қонунда ҳозир фаолият юритиб турган кичик бизнес субъектларини оилавий корхонага айлантириш механизми ёритилмаган. Шунинг учун шу механизмни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

4. Якка тадбиркорларнинг ўз ишларини очишга қизиқишларини янада ошириш мақсадида янги иш очган якка тадбиркорларни фаолият бошлаган биринчи йилида қатъий белгиланган солиқдан тўлиқ, иккинчи йилда 50 фоизга ва учинчи йили 25 фоизга озод этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқорида тадбиркорликнинг иккала шакли, яъни оилавий корхоналарни ва оилавий (якка) тадбиркорларни солиққа тортишни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни мамлакатимиз солиқ амалиётига тадбиқ этиш, Ўзбекистон Республикасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштиришга, Президенти томонидан қўйилган улкан иқтисодий вазифаларни муваффақиятли бажаришга, мамлакатимиз аҳолиси фаровонлигининг юксалишига хизмат қилган бўлар эди.

### **3 боб бўйича хулоса**

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуннинг кучга киритилиши ва ҳаётга татбиқ қилиниши биринчидан, оилаларнинг, қолаверса ҳар бир оила аъзосининг реал даромадлари ошишига, иккинчидан, мамлакатда маҳсулот сифати ва ҳажмининг ортишига, учинчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш борасида рақобат муҳитининг шаклланишига, тўртинчидан, имконияти чекланган шахслар бўлган ногиронлар, ёши кекса, аммо тажрибаси катта оила бошлиқларини, таҳсил олаётган ёшларимизни меҳнатга жалб қилишга, бешинчидан, норасмий секторда фаолият юритаётганларни босқичма-босқич расмий секторга олиб чиқишга, олтинчидан, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат ресурсларини янада кенгроқ жалб қилиш имкониятини кенгайтиради ва энг муҳими, фойдали меҳнат билан банд бўлган аҳоли сонининг ошишига ва ўрта синфни шакллантиришда муҳим омил саналади. Ўрта синфнинг шаклланиб, унинг ижтимоий қатламга айланиб бориши эса иқтисодий барқарорликни, жамиятни демократик йўлдан жадал ривожлантиришни ва демократик бозор муносабатларининг янада такомиллашиб боришини кафолатлайди.

Оилавий корхоналарни солиққа тортишда хориж тажрибаларидан фойдаланилса оилавий корхоналарнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилган бўларди ва бошқа ривожланган мамлакатлар сингари Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ҳам оилавий корхоналар сони ортиб аҳоли фаровонлиги ошишига хизмат қилган бўлар эди.

## **Хулоса**

Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги

конуни қабул қилиниши билан хўжалик юретишнинг янги самарали шакли бўлган оилавий корхоналар ташкил қилиниши ва фаолият юретишига ҳуқуқий асос яратилди.

Биз олиб борган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики:

- оилавий корхоналар кичик бизнес субъектларининг самарали шаклидир ва улар кичик бизнес субъектлари каби солиққа тортилади;

- юридик шахсни ташкил этмасдан шуғулланувчи оилавий тадбиркорлар якка тадбиркорлар каби солиққа тортилади;

- оилавий корхоналар ягона солиқ тўловидан бошқа солиқ тартибига ўтишга ҳақлари йўқ;

- оилавий якка тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқ тўловчисидирлар;

- кичик бизнес субъектлари тўлайдиган ягона солиқ тўлови бир қатор афзалликларга эга, аммо амалда унинг бир қатор муаммолари бор;

Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиқлар воситасида қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини рағбатлантиришни такомиллаштириш мақсадида куйидаги илмий таклифлар ва амалий тавсияларни амалга ошириш лозим:

1. кичик бизнес субъектлари тўлайдиган ягона солиқ тўловининг солиққа тортиш объекти бўлиб ялпи тушум хизмат қилади. Албатта, бу кўрсаткични ҳисоблаш, уни солиқ идоралари томонидан назорат қилиш (уни беркитиш ёки камайтириб кўрсатишнинг деярли иложи йўқ бўлгани учун) осон. Аммо, ялпи тушум кўрсаткичи корхона ҳисобот даврини фойда билан тамомлайдимми ёки зарар билан тамомлайдимми, ҳисобга олмайди, чунки агар корхона хўжалик фаолиятини зарар кўриб тамомласа ҳам корхонага тушум тушаверади ва натижада ягона солиқ тўловини тўлайверишга мажбур бўлади. Бу ҳол уларни кўрқитади, чунки уларга доимий равишда ҳисобот даврини зарар билан тамомлаб қолиш эҳтимоллиги ҳавф солиб туради. Шунинг учун, кичик ва оилавий бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўловининг солиққа тортиш объекти

сифатида «ялпи тушум»ни эмас, балки корхона фаолиятининг молиявий натижаларини тўлиқ ҳисобга олувчи «ялпи даромад» ёки «ялпи даромад ва харажатлар орасидаги фарқ» кўрсаткичини қўллаб, уларга бу кўрсаткичлардан хоҳлаганларини танлаб олиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ бўларди. Албатта, бу ҳолда ягона солиқ тўлови фойда ёки даромад солиғи бўлиб қолмайдими? - деган савол туғилиши мумкин. Бизнинг жавобимиз - йўқ, чунки бу ҳолда “ялпи тушум” пайтидаги барча имтиёзлар сақланиб қолади.

2.Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида ягона солиқ тўлови тизимида ишлашга ҳуқуқи бўлган кичик бизнес субъектлари ва жумладан оилавий корхоналарнинг бу тизимга ўтиб ишлашга қизиқишларини кучайтиришга хизмат қиладиган жуда кучли рағбатлантирувчи омиллардан бири – бу ягона солиқ тўловини тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлашга рухсат берилганидир. Бу омилдан фойдаланилса, ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига (лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга) камайтиради. Натижада, қўшилган қиймат солиғининг суммаси миқдорига қараб, ягона солиқ тўловининг белгиланган ставкасини сезиларли даражада пасайтириб ҳисоблаб чиқаришлари ва бюджетга тўлашлари мумкин. Албатта, бу солиқ юқини пасайтириш учун жуда катта имконият, чунки кичик корхона бюджетга қанча қўшилган қиймат суммасини ўтказмасин, бу сумма унинг пировард молиявий натижаларига таъсир кўрсатмай, бу маҳсулотни сотиб олувчи истеъмолчи томонидан тўлаб берилади, яъни қўшилган қиймат солиғини тўлашдан кичик корхона фойда ҳам, зарар ҳам кўрмайди. Ундан ташқари кичик корхона ўзи ҳомашъё сотиб олаётганда тўлаган қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам истеъмолчи ҳисобидан тиклаб олади. Бу ерда қўшилган қиймат солиғи тўловчи кичик корхона бюджетга тўланиши лозим бўлган ягона солиқ тўлови суммасининг ярмисигача миқдорини ўз ихтиёрида қолдириб ютади, бюджетга эса, шунча миқдорда ягона солиқ

тўлови суммаси тушмай қолади. Бошқача қилиб айтганда - ягона солиқ тўлови тўловчиси жуда катта суммани ютади, давлат эса – ютқазмайди, чунки йўқотилаётган ягона солиқ тўлови суммаси ўрнига шунча миқдорда қўшилган қиймат солиғи суммаси бюджетга тушади.

Албатта бу ҳолни ижтимоий нуқтаи – назардан яхши ҳаракат деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси сотиладиган маҳсулот нархига киритилиб, пировард истеъмолчи бўлган аҳоли бўйнига тушади. Аммо, ҳозирги пайтда мамлакатимизда амалда бўлган бозор иқтисодиётининг асосий мақсади – максимал фойда олиш талаби буни оқлаши мумкин. Афсуски, ягона солиқ тўлови тўловчи оилавий корхоналарнинг қўпчилиги юқорида келтирилган имкониятдан беҳабарлар, ёки моҳиятини тўла тушуниб етмаганлар. Шунинг учун ягона солиқ тўлови тўловчи оилавий корхоналарга юқоридаги имкониятларни тўлиқ тушунтириб бориш зарур.

3. Ҳозирги пайтда якка тартибдаги оилавий тадбиркор даромадни қайси ҳудуддан топишига қарамасдан солиқни фақат рўйхатдан ўтган жойидаги солиқ идорасига тўлайди. Албатта, бу ҳол солиқ идоралари учун тадбиркорларни назорат қилишни осонлаштиради, аммо ижтимоий адолат талабларига зиддир, чунки даромад берувчи ҳудудда шу фаолият билан шу ҳудуд фуқароси шуғуланиши ва даромад қилиши мумкин эди.

Шунинг учун якка тартибдаги оилавий тадбиркор даромадни қайси ҳудуддан топса солиқни ҳам ўша ердаги солиқ идорасига тўлаши лозим.

Юқорида келтирилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни амалга ошириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорлигини оширишга, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар миқдорини оширишга, улар сифатини яхшилашга ва шу орқали иқтисодиётимиз ривожланишини жадаллаштиришга, ҳалқимиз фаравонлигини оширишга хизмат қилади.

## **Адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари**

**ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, ҳамда бошқа  
меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т.:Ўзбекистон, 2010-40 б.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазрлиги, Т.: «Адолат», 2010.- 400 б.
- 1.3.Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонуни. -Т., Ўзбекистон,1997. – 23 б.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни. -Т., Ўзбекистон,2012. – 23 б.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни -Т.: «Ўзбекистон», 1995.- 19 б.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги 2455 сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги 4364 сонли «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун максимал ишчи муҳитни шакллантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1474 сонли «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарори
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майдаги 4216-сонли «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги фармони.
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги 1050 сонли «Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришнинг

қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги 1047 сонли «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 декабрдаги 1887 сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 29 декабрдаги 1449 сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги 744 сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги 532 сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори.

1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги 1987 сонли «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

1.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Чет эл хусусий инвестицияларини тўғридан-тўғри жалб қилишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги



фармони.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.**

2.1. Каримов И. А. Бош мақсадимиз-мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодий қисқичида таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Халқ сўзи газетаси 2016 йил 18- январ сони.

2.2. Каримов И. А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Халқ сўзи газетаси 2013 йил 19 январ сони.

2.3. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилidir. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 8 декабрь сони.

2.4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Т,: Ўзбекистон, 2010.– 75 б.

2.5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

2.6. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 14 феврал сони.

2.7. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларнинг бош мақсадиidir. “Халқ сўзи” газетаси, 2008 йил 9 феврал сони.

2.8. Каримов И.А. Янгилашни ва барқарор тараққиёт йўлидан изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. “Халқ сўзи” газетаси, 2007 йил 13 март сони.

### **Ш. Илмий монографиялар, китоб ва рисодалар.**

- 3.1. Абдурахманов О.К. Налоговые системы стран с переходной экономикой. Монография. –М.: Издательство “Палеотип”, 2005. -356 с.
- 3.2. Абдурахманов О.К. Налоговые системы зарубежных стран. Монография. –М.: Издательство “Палеотип”, 2005. -376 с.
- 3.3. Альмардонов М.И.. Солиқ тизимининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсири. Монография. –Т.: ТМИ, 2003,-223 бет.
- 3.4. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник. – 3-е изд., перераб и доп. –М.: Изд-ко-торговая корпорация “Дашков и К”, 2009, – 314 с.
- 3.5. Vahobov A.V., Jo'rayev A.S. Soliqlar va soliqqa tortish.-Т.: «Sharq», 2009, - 448 б.
- 3.6. Гадоев Э. вабошқ. Солиққаоидхатолар. –Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1996. -128 б.;
- 3.7. Жўраев А. С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. –Т.: Фан, 2004.-243 б.
- 3.8. Жўраев А. С., Тошмуродова Б., Тошматов Ш.А. Солиқлар ва солиққа тортиш. –Т.: «NORMA», 2009, -184 б.
- 3.9. Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2005.-544 б.
- 3.10. Качур О.В. Налоги и налогообложение. Учебник. – М.: КНОРУС, 2009, -360 с.
- 3.11. Кочетков А. И. Самоучитель по исчислению налогов. Учебное пособие.-М.: ИПАК, 2007, - 368 с.
- 3.12. Кочергов Д.С., Устинова Е.Е. Упрощенная система налогообложения -М.: Омега, 2006, -287 с.
- 3.13. Косолапов А.И. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. – М.: Дашков и К, 2005, -872 с.
- 3.14. Дж. Кейнс. Общая теория занятости, процента и денег (избранные произведения). Пер. с англ.-М.: Экономика, 1983.-518 с.;

- 3.15. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Академия, 2002. - 204 б.;
- 3.16. Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. – Тошкент: Академия, 1999. – 254 б.;
- 3.17. Маманазаров А. М. Солиқ сиёсати. –Т.: Молия, 2003.-148 б.
- 3.18. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение. Учебник. –М.: Инфра, 2008, -520 с.
- 3.19. Налоги и налогообложение. Учебник под ред. М.В.Романовского, О.В.Врублевской – СПб.: Питер, 2009, -528 с.
- 3.20. Налоги и налогообложение. Учебник под редакцией профессора И. А. Майбурова. – М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2009, -519 с.
- 3.21. Налоги и налогообложение. Учебник под ред. Д. Г. Черника. – М.:ЮНИТИ - ДАНА, 2008, -311 с.
- 3.22. Пархачева М.А. Упрощенная система налогообложения. -М.: Эксмо, 2007, -672 с.
- 3.23. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Тошкент, Fan va texnologiya.– 2008.– 204 б.;
- 3.24. Тошмуродова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. – Т.: ТМИ, 2004, -135 б.
- 3.25. Упрощенная система налогообложения. – М.: Бератор - Пабблишинг, 2007, -336 с.
- 3.26. Юткина.Г.Ф. Налоги и налогообложение. Учебник. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2006, – 509 с..

#### **IV. Диссертациялар ва диссертация авторефератлари**

- 4.1. Альмардонов М.И. “Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсири”. Докторлик диссертацияси.-Т.:2003.
- 4.2. Жўраев А. С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. Докторлик диссертацияси автореферати. –Т.: 2005.

4.3. Тошмуродова Б. Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. Докторлик диссертацияси автореферати. –Т.: 2007.

4.4. Хайдаров Н.Х. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: 2003.

4.5. Н. Б. Ашурова “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда солиқ механизмнинг таъсири”. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2008.

4.6. Раджабов У.Л. «Ўзбекистон иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқ тизимини такомиллаштириш». Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2004.

4.7. Собиров Ш.М. Фойда солиғи ва унинг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсири. . Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2008.

4.8. Яҳшибоев Ғ.Қ. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлаш масалалари. Номзодлик диссертацияси автореферати. –Т.: 2005.

4.9. Қодиров Б.Қ. Бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги нисбат муносабатлари ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 2004.

4.10. Ғайбуллаев О.З. Солиқ юқини баҳолашни такомиллаштириш масалалари. Номзодлик диссертацияси автореферати. –Т.: 2004.

## **V. Илмий мақолалар ва илмий анжуманлар материаллари**

5.1. Абдурахмонов О.Қ. Солиқ сиёсати: дунё тажрибаси ва Ўзбекистон истиқболи. «Бозор, пул ва кредит» журнали. 2002 йил 5 сони, 36 б.

5.2. Жўраев Т.И. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўлида. Халқ сўзи газетаси 2003 йил 20 сентябрь сони.

5.3. Маликов Т.С., Холмахмадов З.А. Солиқ ставкаси ўзгариши натижалари. «Бозор, пул ва кредит» журнали 1999 йил 1 сони, 57 б.

5.4. Титов А.С. Понятие, сущность и основные направления развития налоговой политики. Москва, Журнал Финансовое право №5, 2005 год, 19 с.

5.5. Қодиров Б. Бевосита ва билвосита солиқлар нисбатини оптималлаштириш. «Бозор, пул ва кредит» журнали. 2002 йил 2 сони, 45 б.

## **VI. Статистик тўпламлар**

6.1. Социально-экономические показатели Республики Узбекистан за 2013год. –Т., 2014, -190 с.

6.2. Ўзбекистон Иқтисодиёти. Таҳлилий шарх 2013 йил, –Т.: 2014 № 11.

## **VII. Интернет WEB сайтлари.**

7.1. <http://www.nalog.ru>

7.2. <http://www.soliq.uz>

7.3. <http://www.uzland.uz>

7.4. <http://www.Gov.uz>

7.5. <http://www.Mf.uz>

7.6. <http://www.Stat.uz>